Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 242 (21. 108) 1991 йил 14 декабрь шанба

Баҳоси 8 тийин.

Ашхобод:

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ БАЁНОТИ

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ҚИРҒИЗИСТ ОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОЖИКИСТОН РЕС ПУБЛИКАСИ, ТУРКМАНИСТОН, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИ НИНГ

Давлат бошлиқлари Н. А. Назарбоев, А. А. Акаев, Р. Н. Набиев, С. А. Ниёзов, И. А. Каримов 1990 йилги Олмаота учрашувида ва 1991 йилги Тошкент учрашувида эришилган аҳдномаларга мувофиқ Ашхободда навбатдаги маслаҳат учрашувига тўпландилар, бу ерда мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузиш тўғрисида Минскда битим имзоланган-дан кейин юз берган вазиятни муҳокама қилдилар. Ҳар томонлама фикрлашиб олиш ва сиёсий вазиятни таҳлил этиш натижасида учрашув қатнашчилари қуйидаги фикрга келдилар:

— Беларусь республикаси, РСФСР ва Украина раҳбарларининг олдинги ҳуқуқсиз республикалар ўрнида ҳамдўстликка бирлашган мустақил ҳуқуқий давлатларни барпо этишга интилишларини биз тушуниб кутиб олмоқдамиз. Украина иштирокида мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузишга доир Минск ташаббуси ижобий тусдадир. Лекин бу ҳақдаги битим биз учун кутилмаган воқеа бўлди.

Кенгаш қатнашчилари аввалги СССР субъектларининг СССР халқ депутатлари V съезди қарорлари асосида янгитдан бирлашиш жараёни боши берк кўчага кириб қолди деган фикрга қўшиладилар. Марказнинг узоқни кўра олмайдиган сиёсати чуқур иқтисодий ва сиёсий тангликка, ишлаб чиқаришнинг барбод бўлишига, жамият барча табақалари турмуш даражасининг фалокатли пасайиб кетишига олиб келди.

Учрашув қатнашчилари:

— мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузишга доир съайи-ҳаракатларни мувофиқлаштириш зарур;

— мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ҳуқуқий негизда тузилиши керак;

— мустақил давлатлар ҳамдўстлиги тўғрисидаги қарорлар ва ҳужжатларни ишлаб чиқиш жараёнида собиқ иттифоқ субъектларининг тенг ҳуқуқли иштироки таъминланиши лозим, бунда ҳамдўстликни ташкил этувчи барча давлатлар муассис сифатида тан олиниши ва битим матнида аҳдлашувчи олий томонлар деб кўрсатилиши керак;

— ана шу ҳужжатларда, қарорларда ва битимларда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг тарихий ва ижтимоий-иқтисодий воқеликларини ҳисобга олиш керак, афсуски, ҳамдўстлик тўғрисидаги битимни тайёрлаш чоғида улар эътиборга олинмаган;

— мустақил давлатлар ҳамдўстлиги барча миллатлар ва элатлар тенг ҳуқуқлигига, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишига кафолат бериши лозим;

— Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги инсон ҳуқуқларини ва халқларнинг ҳуқуқларини бузадиган этник, диний ёки ҳар қандай бошқа белгига қараб тузилиши мумкин эмас;

— мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ҳудудий яхлитликни ва ҳозирги мавжуд чегаралар дахлсизлигини тан олади ва ҳурмат қилади;

— жаҳонда стратегик барқарорликни сақлаб қолиш манфаатлари йўлида ядро қуроллари устидан ягона назоратни ҳамда стратегик тийиб туриш қўшинлари ва ҳарбий-денгиз кучлари бирлашган қўмондонлигини таъминлаш мақсадга мувофиқ;

— иқтисодий ҳамжамият тўғрисида олдин тузилган шартномани тасдиқлаш ва шу шартномага доир ишларни тўла-тўкис ниҳоясига етказиш зарур, деб ҳисоблайдилар.

Юқорида баён этилган фикрларга асосланиб, биз барча субъектлар манфаатларини ҳисобга оладиган мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг тенг ҳуқуқли ҳаммуассислари бўлишга тайёр эканлигимизни билдирамиз. Мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузиш масалалари мустақил давлатлар бошлиқларининг кенгашида кўриб чиқилиши лозим.

Маслаҳат учрашуви қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси мустақил давлатлар ҳамдўстлиги тўғрисидаги битимда иштирок этиш ҳусусидаги ўз позициясини шу йил 29 декабрда умумхалқ Президент сайлови ўтгандан сўнг узил-кесил аниқлашига тушуниш билан қарайдилар.

Ушбу баёнотга Минскда имзоланган мустақил давлатлар ҳамдўстлиги тўғрисидаги битимга учрашувда ўзаро келишилган дастлабки тузатишлар ва таклифлар илова қилинади.

Қозоғистон Республикаси Президенти Н. А. НАЗАРБОЕВ

Қирғизистон Республикаси Президенти А. А. АКАЕВ

Тожикистон Республикаси Президенти Р. Н. НАБИЕВ

Туркманистон Президенти С. А. НИЁЗОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. КАРИМОВ.

Ашхобод шаҳри, 1991 йил 13 декабрь.

ТЕЖЕН-СЕРАХС ТЕМИР ЙЎЛИНИ ҚУРИШДА ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТУРКМАНИСТОН, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РАҲБАРЛАРИ ЎРТАСИДА

БИТИМ

Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон Республикалари ва Туркманистон иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ, иқтисодий имкониятлардан фойдаланишга доир куч-ғайратларни бирлаштириш мақсадида, ягона Трансосиё темир йўлини вужудга келтиришдан ўзаро манфаатдорликка асосланиб ҳамда Тежен-Серахс темир йўлини қуришнинг ғоят муҳим аҳамиятини ҳисобга олиб:

Тежен-Серахс темир йўли қурилишида бирликда иштирок этишга, ана шу мақсадга ҳар бир давлатдан баравар миқдорда сармоя ажратишга рози бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Қозоғистон Республикаси Президенти Н. НАЗАРБОЕВ

Қирғизистон Республикаси Президенти А. АКАЕВ

Туркманистон Президенти С. НИЁЗОВ

Ашхобод шаҳри, 1991 йил 13декабрь.

АШХОБОД УЧРАШУВИДА ҚАТНАШГАН ДАВЛАТЛАР БОШЛИҚЛАРИНИНГ

ҚАРОРИ

Биз, Ўрта Осиё Республикалари ва Қозоғистон раҳбарлари, мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузиш муаммоларини муҳокама қилиб, шу муаммоларнинг энг муҳимлари орасида Чернобиль аварияси ва Орол фожиаси оқибатларини тугатиш юзасидан биргаликда ҳаракат қилиш зарурлигини таъкидладик. Булар ҳаммамизнинг бошимизга тушган мушкуллик, ҳаммамиз учун умумий кулфат бўлиб, уларни биргаликда бартараф этишимиз лозим.

Биз шуни чуқур англаб, кулфат зоналарига республикаларимиздан дарҳол инсонпарварлик ёрдами юборишга қарор қилдик. Чернобиль ва Орол болалари янги йилга серқуёш республикаларимиз совғаларини оладилар.

Чин кўнгилдан берилаётган бу камтарона ҳадя болаларнинг янги йил байрамини безабгина қолмай, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва қардошлик бузилмаслигининг рамзи бўлиб қолади, деб умид қиламиз.

Қозоғистон Республикаси Президенти Н. НАЗАРБОЕВ

Қирғизистон Республикаси Президенти А. АКАЕВ

Тожикистон Республикаси Президенти Р. НАБИЕВ

Туркманистон Президенти С. НИЁЗОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Ашхобод шаҳри, 1991 йил 13 декабрь.

ЎзТАГ мухбири Турсунбой Ботирбеков ва Туркманинформ мухбири Людмила Глазовская Туркманистон пойтахтидан хабар қиладилар:

ОШКОРА МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов мустақил Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон президентларининг учрашувида қатнашиш учун 12 декабрь куни бу ерга келди. Маълумки, бу учрашув Туркманистон Президенти С. А. Ниёзов ташаббуси билан ўтмоқда. Учрашувдан мақсад Беларусь, Россия ва Украина раҳбарларининг мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги баёнот муносабати билан юз берган вазиятни равшанлаштириб олишдир.

Беш мустақил республиканинг Давлат байроқлари билан безатилган Ашхобод аэропортида Президент И. А. Каримовни Туркманистон Президенти С. А. Ниёзов, республика Олий Кенгашининг раиси С. Н. Муродов, президентлик кенгашининг аъзолари, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Анъанага биноан миллий кийимдаги йигит ва қизлар И. А. Каримовга нон ва туз тутдилар, гулдасталар тақдим этдилар.

Аэропортнинг учиш майдонида меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Фахрий қоровул бошлиғи И. А. Каримовга рапорт берди. Ҳарбий оркестр маршни ижро этди.

Ўзбекистон Президенти аэропортда журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

(Давоми иккинчи бетда)

АШХОБОД, 13 декабрь. Туркманинформ-ЎзТАГ. Ашхобод учрашуви қатнашчиларининг якунловчи ҳужжат имзоланиши биланоқ журналистлар билан ўтказган суҳбати бир соатдан кўпроқ давом этди. Уларнинг умумий позицияси аниқ намоён бўлди: мустақил давлатларнинг янги ҳамдўстлиги инсон ҳуқуқларини ва халқлар ҳуқуқларини бузадиган этник, диний ёки ҳар қандай бошқа белгиларга қараб тузилиши мумкин эмас.

БЕШ ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

«Шу мавзудаги ҳар қандай бўҳтонларга қатъий чек қўйиш лозим», — деди журналистларга Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев. У сўнгги вақтда М. С. Горбачев тутган йўлга тўхталиб, бу йўлни ишларнинг ҳақиқий аҳволига мутлақо мос келмайдиган йўл деб таърифлади. Қозоғистон раҳбари Ашхобод учрашуви табиий воқеалар занжиридаги мантиқий бир халқа бўлганлигини таъкидлади. Бу воқеалар кейинчалик ҳам шундай табиий равишда ривожланаверади. Бунда Нурсултон Назарбоев Борис Ельцин билан телефон орқали гаплашганлигига асосланди, Борис Ельцин жанубий минтақадаги шаҳарлардан бирида яқин орада ҳамдўстлик ҳаммуассисларининг учрашувини ўтказишга рози эканлигини тасдиқлади.

Қирғизистон Президенти Асқар Акаев собиқ Иттифоқнинг парчаланиб кетиши сабаблари тўғрисидаги саволга жавоб қайтариб, бу Иттифоқни тузиш манбаларига мурожаат қилди, ўшанда Иттифоқни ҳаммуассислар қуйидан тузиши қонуни аввалбошданоқ бузилган эди. Қирғизистон раҳбарининг фикрича, Михаил Горбачевнинг хатоси шундан иборатки, у конфедератив асосда Иттифоқ тузишга мойил бўлган мустақил республикалар раҳбарларининг деярли якдил фикрига ўз вақтида қулоқ солмади, ана шу фикр амалда халқлар ҳоҳиш-иродасининг ифодасига айланган ҳозирги пайтда ҳам уни қўллаб-қувватламади. Шу билан бир вақтда Акаев янги жараёнларда Горбачевнинг бундан буён иштирок этиши мумкинлигини истисно этмади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов журналистларнинг саволларига қайтарган жавобларида давлатлараро муносабатларни мутлақо янги негизда ислоҳ қилиш юзасидан бошланган ишнинг ижобий, бунёдкорлик ролини яқин вақт ичида кучайтириш зарурлигини алоҳида таъкидлади. У эндиликда иқтисодиётни олға силжитиш энг асосий ва муштарак мақсад бўлиб қолганлигини айтди. Бунда собиқ Иттифоқдаги саккиз республиканинг олдин тузилган иқтисодий битимига асос қилиб олинган жиҳатлар ҳисобга олиниши керак. Ислом Каримов ҳам ўз негизи билан ғоят ижобий бўлган Минск битимини мисол қилиб келтириб, ҳамдўстликнинг мустақил давлатлари ўз муносабатларини ҳам ўзаро ҳурмат, ҳам ўзини ҳурмат қилиш асосига қуришларига тўсқинлик қиладиган ҳеч қандай объектив сабаб йўқлигини айтди. Бироқ у айни пайтда азалдан хом ашё етиштирадиган ўлка деб ҳисоблаб келинган Ўрта Осиё минтақасига иккинчи даражали деб қарашга узил-кесил хотима бериб бўлармикин, деб бироз шубҳаланаётганлигини ошкора тан олди. Нима бўлганда ҳам биз барча миллат фуқаролари тинчлик, осойишталик ва тотувликда яшашларига имкон берадиган турмуш шароитларини яратишга ҳаракат қиламиз, деди Ўзбекистон раҳбари.

Тожикистон Президенти Раҳмон Набиев ва Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов ҳам шу қоидаларга содиқ эканликлари ҳақида гапирдилар.

Журналистлар билан учрашув пировардида Ўрта Осиё ва Қозоғистон сўнгги йиллардаги фожиали тус олаётган тарихнинг сиёсий майдонида улар изчил ва ижобий йўл тутаётганлигидан фахрланиши мумкин дейилди. Ана шу йўлга улар бундан буён ҳам содиқ бўлиб қоладилар.

29 декабрь—Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш куни

БИЗНИНГ НОМЗОД

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига номзод И. А. КАРИМОВнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳақида қисқача маълумотнома

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарорига биноан 1991 йил 29 декабрь республикамиз тарихида биринчи марта умумхалқ Президенти сайлови ва Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги референдум куни деб белгиланди.

...Аҳил бўлсак, хотиржам ва ҳамжиҳат бўлсак, улуғ мақсадларимиз йўлида, халқ тили билан айтганда, бир ёқадан бош чиқарсак, турлича қарашларда бўлишимиз мумкинлигидан қатъи назар, улуғ мақсадимиз, ҳақиқий мустақилликка эришмоғимиз муқаррар.

Юртимизда тинчлик билан аҳиллик барқарор бўлсин.

Барча эзгу ниятларимиз рўёбга чиқсин.

(Ислом КАРИМОВнинг Ўзбекистон фуқароларига мурожаатидан).

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг шу йил 19 ноябрда бўлиб ўтган Пленуми партиянинг раиси Ислом Абдуғаниевич Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига номзод этиб кўрсатди.

И. А. Каримов 1989 йил июнь ойида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби, 1990 йил 24 мартда эса Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида республика Президенти этиб сайланди. И. А. Каримов партия ва давлат раҳбарлигига келган пайтда бутун мамлакатда бўлгани сингари Ўзбекистонда ҳам чуқур иқтисодий-ижтимоий инқироз рўй берган, маънавий қашшоқлик тобора кучайиб бораётган, Фарғона ва Ўш воқеалари жамиятни ларзага келтирган, гдлянчилар ва уларнинг маҳаллий ҳодимлари туфайли халқимиз бошига жуда оғир мусибат ва пок номига қора доғлар тушган эди.

Етук иқтисодчи олим, давлат режалаштириш ва молия органларида ишлаб бой тажриба ортирган И. А. Каримов Ўзбекистон бошидан кечираётган таназзулнинг замирида иқтисодий ildизлар борлигини яхши тушунар эди.

Пахта яккаҳокимлиги тўла ҳукмронлиги туфайли республика шаҳар ва қишлоқларида озиқ-овқат маҳсулотлари етишмаётган, атрофмуҳит эса заҳарланган, марказга арзон хом ашё етказиб беришга юртимиз маҳкум этилганлиги натижасида саноати бир томонлама ривожланган, яъни тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга мослашмаган, моддий бойликлари етарли бўлган ўлка аҳолисининг ярмидан кўпроғи қашшоқ яшаётган Ўзбекистонда сиёсий аҳвол яхши бўлиши мумкинмиди?

Йўқ, албатта.

Ижтимоий кескинлик ва сиёсий беқарорлик, миллатлараро низоларнинг келиб чиқишига бундан кейин йўл қўймаслик учун уларнинг сабабларини бартараф этиш лозимлиги республиканинг янги раҳбариятидан ўта ҳушёр сиёсат, жасорат ва амалий ишларни кенг кўламда олиб боришни талаб этди.

Маълумки, И. А. Каримовнинг ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этишга қаратилган биринчи қадамлари аҳолига, ҳусусан қишлоқ аҳолисига ён бериш тўғрисидаги қарорлар эди.

Кейинги икки йил ичида пахта майдонларини қисқартириш ҳисобидан аҳолига 350 минг гектар суғориладиган ер томорқа учун ажратиб берилди. Шу қарор туфайли 1,5 миллион оила ҳаммаси бўлиб 9 миллионга яқин киши турмуш шароитини яхшилашга эришди. Шахсий уйлар қуриш анча кўпайди. Кўплаб янги хўжаликлар вужудга келди.

Шахсий томорқаларнинг самарадорлигини ошириш, чорвачилик маҳсулотлари ва бошқа озиқ-неъматларни етиштиришни кўпайтириш мақсадида республика Президентининг Фармонига кўра шахсий ёрдамчи хўжалик эгаларига 61,5 минг бош қорамол, қарийб 385 минг бош қўй ва эчки, 7,8 миллион парранда, 34 мингтадан кўпроқ чўчқа болалари яъни режалаштирилганидан анча кўп сотилди. Бундан ташқари колхоз ва совхозлар аҳолига 25 минг бош қорамол, 280 минг бош қўй ва эчки, 10 миллионга яқин парранда сотдилар.

Шахсий ёрдамчи хўжаликлардаги чорвани озуқа билан таъминлашни яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Президентининг «Республика аҳолиси шахсий хўжалигидаги моллар ва паррандаларни ем-хашак билан таъминлаш ҳамда чорвачилик маҳсулотини кўпайтириш тўғрисида»ги Фармонига кўра, аҳолига 1990 йилда 793 минг тонна дағал хашак, 140 минг тонна ширали ва 440 минг тонна кўк озуқа берилди. Бу йил ҳам етарли миқдорда ҳашак ва ем сотилди.

Маҳаллий ҳокимият органлари, давлат ва жамоат хўжаликлари раҳбарлари Шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгалари уюшмаси билан биргаликда ҳукумат топшириғига биноан аҳолига уруғлик, кичик техника, бинокорлик материаллари сотишни йўлга қўя бошладилар. Ушбу ишларни молиявий жиҳатдан таъминлаш мақсадида Президентнинг 1991 йил 18 мартдаги «Шахсий томорқа хўжаликларининг эгалари бўлмиш деҳқонларга молиявий ёрдам бериш ва уларнинг уюшмаси моддий техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида»ги Фармони билан тегишли фонд яратиш учун давлат бир миллиард сўм ажратди.

Хўш, бу тадбирларнинг самараси қандай бўлмоқда? Биринчидан, шахсий ёрдамчи хўжаликларда озиқ-овқат, турли ноз-неъматлар етиштириш кўпайди. Чунончи, шу йилнинг 10 ойи мобайнида шахсий секторда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 5,1 минг тонна гўшт ва 14 минг тонна сут кўпроқ ишлаб чиқарилди. Бундан қишлоқликлар билан бирга шаҳарликлар ҳам баҳраманд бўлдилар, албатта.

Иккинчидан, якка тартибда уй-жой қуришда кенг имкониятлар очилди. Ўтган йили шу тартибда 6,5 миллион квадрат метр уй-жой қурилган бўлса, бу йилнинг 9 ойи ичида 5 миллион 100 минг квадрат метрдан ортиқроқ уйлар қуриб битказилди.

Учинчидан, қишлоқ жойлардаги минглаб кишилар иш билан таъминландилар.

Мамлакатда дон етиштиришдаги қийинчиликларни ҳисобга олиб, республикамиз ҳукумати қишлоқ аҳолисини дон билан таъминлаш масаласига маҳаллий ҳокимият органлари ва хўжалик раҳбарларининг диққатини қаратди. Президент Фармонига биноан 1991 йилги ҳосилдан 221 минг тоннадан зиёдроқ буғдой сотиш мўлжалланган эди. Бу тадбир ҳам муваффақият билан адо этилди. Ҳар бир қишлоқ оиласи ўртача 102 килограммдан, жами 227,5 минг тонна буғдой сотилди. Шу билан бирга айрим жойларда 100 килограммдан кўпроқ ва афсуски, баъзи хўжаликларда ундан озроқ миқдорда буғдой сотилганлиги ҳам маълум. Лекин, умуман олганда, ушбу тадбир ҳозирги ғалла ва ун танқислигини бирмунча юмшатди.

Келгусидаги йилларда аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашдаги қолоқликка барҳам бериш мақсадида республика раҳбарияти бу масалага ҳам катта эътибор бермоқда. Президентнинг ўтган йил 28 июнда чиқарган «Ўзбекистон ССР қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан

(Давоми иккинчи бетда).

29 декабрь—Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш куни

БИЗНИНГ НОМЗОД

(Давоми. Боши биринчи бетда).

таъминлашни яхшилаш тўғрисида»ги Фармонига биноан 1990 — 1992 йилларда қишлоқ аҳолисини сифатли ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш давлат Дастури ишлаб чиқилди. Уни бажара бориб, 1990 йилда Ўзбекистон бўйича салкам 2245 километр сув қувурлари (шундан 1868 километр қишлоқ жойларида) ва 2874 километр газ тармоқлари фойдаланишга топширилди. Шу йилнинг 9 ойи мобайнида эса 1893 километр сув қувурлари ва 3500 километр газ тармоқлари қурилди.

Йил охиригача лойиҳачи ва қувур ётқизувчиларнинг самарали меҳнати туфайли яна минг-минглаб кишилар водопровод суви ва табиий газдан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар, деб айтишга асос бор.

Қишлоқ аҳолиси фаровонлигини кўзлаб қилинган яна бир катта иш — қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари барча асосий турлари харид нархларининг оширилганлигидир. Масалан, пахтанинг харид нархи 1989 йилдагига нисбатан ўртача уч баробар, уни теришда қатнашганларнинг иш ҳақи қарийб тўрт баробар ошди. Шу билан бирга, пахта толаси ва пилла ишлаб чиқаришнинг белгиланган миқдоридан 5 фоизини ҳамда режалаштирилгандан ортиқ етиштирилганини ўз ҳохишларига кўра, жумладан чет элга сотиш ҳуқуқи колхоз ва совхозларга берилди. Бундан бутун қишлоқ аҳли баҳраманд бўлиши шубҳасиздир.

Бу тадбирлар ҳамда ижара, акционерлик, деҳқон (фермер) мулки шаклларининг ривожлана бориши қишлоқ меҳнаткашларининг ташаббускорлигини оширди, унумли меҳнат қилиш, юқори кўрсаткичларга эришиш учун кенг имкониятлар вужудга келтирилди. Натижада бу йилги табиат инжиқликлари ва бошқа қийинчиликларга қарамасдан пахтакор ва ғаллакорлар яхши ҳосил олишга муваффақ бўлдилар.

Республика раҳбарияти саноатни ислоҳ қилиш, уни халқимиз манфаатларига бўйсундириш борасида ҳам муҳим ишларни амалга оширмоқда. Охирги йилларгача Ўзбекистон ҳудудидаги саноат корхоналарининг 60 фоизи Иттифоқ, 30 фоиздан зиёди иттифоқдош вазирликлари тасарруфида эди. Қазиб олинадиган ер ости бойликлари ва қимматли хом ашёларнинг хўжайини Марказ эди.

1990 йил мартдан бошлаб иттифоқдош, ўша йилнинг август ойидан — Иттифоқ тасарруфидаги корхоналар асосан сентябрь ойидан бошлаб эса тўлалигича Ўзбекистон ихтиёрига ўтди.

Кўпгина собиқ вазирликлар ва идоралар ўрнига бошқарувнинг янги шакл ва усуллари— концернлар, уюшмалар тузилди. Саноатда ҳам ижара, кооператив, акционерлик, аралаш мулк шакллари пайдо бўлиб, ривожланиб боряпти, чет эл фирма ва уюшмалари билан аралаш корхоналар вужудга келмоқда. Ҳозирнинг ўзида 70 тага яқин қўшма корхона тузилиб, шундан учдан бир қисми ишлай бошлади. Уларнинг ҳаммаси ишга тушса, 2,7 миллиард доллар ҳажмида маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Халқ хўжалигининг барча соҳаларини астасекин бозор муносабатларига кўчириш мақсадида республикада биржалар, миллий банклар, валюта бозори ташкил қилинмоқда, ташқи иқтисодий алоқалар йўлга қўйилмоқда. Хорижий ишбилармонларнинг фаолияти учун шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Айни пайтда собиқ иттифоқдош республикалар билан иқтисодий алоқаларни янгича асосларда йўлга қўйишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадни кўзда тутиб Ўзбекистон ҳукумати Россия, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, қўшни Ўрта Осиё республикалари билан икки томонлама ўзаро манфаатли битимларни тузди, ягона иқтисодий мақом тўғрисидаги шартномани имзолади.

Буларнинг ҳаммаси саноатимиз, бутун халқ хўжалигимизнинг барқарор ишлашини таъминлаш билан бирга яқин келажакда унинг кенг ривожланиши учун пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон ҳукумати аҳолининг кам таъминланган табақалари, хусусан, фахрийлар, ногиронлар, кўп болали оналар, мактаб ўқувчилари ва талабалар, ўқитувчилар тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Президентимизнинг шу борадаги қатор фармонлари барчага маълумдир. Масалан, 2 миллион 200 минг нафар бошланғич синф ўқувчиларини бепул нонушта билан таъминлаш, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиясини кўпайтириш ва тушки овқат нархининг ошишини қоплаш учун давлат томонидан маблағлар ажратиш, ёш келин-куёвларга керакли моллар, чунончи, мебель сотиб олиш учун моддий ёрдам кўрсатиш ҳақида Президент фармонларини эслатиб ўтиш мумкин.

Еки «Улуғ Ватан уруши ногиронларига, қатнашчиларига, байналмилалчи жангчиларга ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги республика Президентининг 1990 йил 7 майда қабул қилган фармонини олайлик. Ҳозир 230 минг киши кўрсатилган имтиёзлардан баҳраманд бўлмоқда. 7813 оила қулай уй-жой билан таъминланди, 21 мингдан зиёд квартира шахсий мулк сифатида берилди, якка тартибдаги қурилишлар учун қарийб 5 мингта ер участкалари ажратилди. Уруш қатнашчилари ва аҳолининг уларга тенглаштирилган тоифалари квартира ҳақи тўлашдан тўла озод қилиндилар. Минглаб фахрийлар хонадонига телефон ўтказилди. Кўпгина ногиронларга транспорт воситалари бепул берилди ёки сотилди. Улар даволанадиган санаторий ва пансионатларда озиқ-овқат, дори-дармон ва юмшоқ инвентарларга ажратиладиган маблағлар кўпайтирилди.

Мустақил Ўзбекистонда халқ маорифи, фан ва маданият, соғлиқни сақлашни ривожлантириш масалалари ҳам республика раҳбарияти эътиборида турибди. Мазкур соҳаларнинг ходимлари оладиган иш ҳақи жорий йилда 1,6 — 1,7 баробар оширилди ва шу мақсадлар учун икки миллиард сўмга яқин маблағ сарф қилинди.

Республика аҳолиси учун муҳим ҳисобланган яна бир масалани тўғри ечишда раҳбарият жонбозлик кўрсатмоқда. Бу ҳам бўлса, ёшларнинг ҳарбий хизматни ўташини тартибга солишдир. Мамлакатдаги, шу жумладан, Қуролли Кучлардаги аҳвол, тартибсизликлар оқибатида ҳарбий хизматга жўнатилган юзлаб йигитлар бевақт ҳалок бўлгани ёки ногирон бўлиб қайтгани ҳеч кимга сир эмас.

Ана шу ноҳуш ҳолларнинг олдини олиш, ёшларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Президенти «Республика ёшларини ҳарбий хизматга чақириш ва уни ўташни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» махсус фармон чиқарди. Мамлакат тарихида биринчи марта ёшларимизнинг ҳарбий хизматни ўташлари республикамиз ва СССР Мудофаа вазирлиги ўртасидаги шартнома асосида ташкил қилинмоқда. Шартномага мувофиқ шу йил кузда, илгари режалаштирилганига кўра ҳарбий хизматга 36 минг нафар ёш кам чақирилди. Республика йигитлари темирйўл қўшинларига чақирилмайдилар, ички қўшинларга ва ҳарбий қурилиш қисмларига юборилиладиганлар хизматни фақат Ўзбекистон ҳудудида ўтайдилар.

Оиладаги ёлғиз ўғил ҳамда акалари ҳарбий хизматни ўтаётган ёки ўтаб бўлган энг кичик ўғил ҳисобланган ёшлар ва ишлаб турган чўпонлар ҳарбий хизматдан озод қилиндилар. 1991 йилнинг ўзидаёқ шу тоифадаги ёшлардан тахминан 25 минг нафари ҳарбий хизматга чақирилмади. Ҳарбий хизматчиларни мажбурий равишда суғуртадан ўтказиш, ҳарбий хизматчи ҳалок бўлган тақдирда унинг оиласига ёки хизмат пайтида ногирон бўлганларга бир йўла нафақа тўлаш қоидалари жорий этилмоқда. Демак, ана шу муаммо борасидаги халқимизнинг талаб ва истаклари ҳукуматимиз томонидан инобатга олинмоқда.

Республика ҳукумати вужудга келган янги вазиятда дадил мустақил иқтисодий сиёсатни амалга ошира бошлади. Юртимизда мўл-кўл бўлган хом ашё ва мавжуд ишчи кучлари базасида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарни тузиш, ишбилармонликни рағбатлантириш, деҳқон (фермер) хўжаликларини қўллаб-қувватлаш, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, мулкчиликнинг барча турларига йўл очиб бериш соҳасида қилинаётган амалий ишлар яқин келажакда ўз самарасини бериши турган гап.

И. А. Каримовнинг номи ва фаолияти билан боғлиқ бўлган кейинги йиллардаги энг йирик ўзгариш Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилинганидир. Мустақиллик декларацияси ва мустақиллиги асослари тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилишида Ўзбекистон Президентининг ҳиссаси катта. Марказнинг ашаддий қаршилик кўрсатишига қарамай, у халқимиз орзиқиб кутган ана шу ёруғ куннинг келиши учун собитқадамлик билан курашди. 29 декабрь куни республика халқи референдумда фаол қатнашиб, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини маъқуллайди деб ишонамиз. Бу билан мустақилликни амалда таъминлаш, давлатимизни халқаро майдонга чиқиб олиши учун мустаҳкам пойдевор яратилади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши ва Президенти кейинги йилларда жумҳурияти мизнинг давлат мустақиллигига доир қатор қонун ва қарорларни қабул қилдилар. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигини ташкил этиш, Давлат хавфсизлиги Иттифоқ-республика қўмитасини миллий хавфсизлик хизматига айлантириш, қимматбаҳо металлар сақланадиган Давлат хазинасини вужудга келтириш, Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган олтин, кумуш, бошқа қимматбаҳо маъдан ва тошлар республика захирасини, олмос фондини ва жумҳурият божхонасини ташкил этиш каби муҳим ҳужжатлар бор.

И. А. Каримов бошчилик қилаётган республика ҳукумати халқимизнинг маънавий тушкунлик гирдобидан олиб чиқиш ва юксак қамолотга эга қилиш, азалий миллий урф-одат, удум ва анъаналарига кенг йўл очиш борасида ҳам диққатга сазовор ишларни амалга оширмоқда. Севимли халқ байрами «Наврўз» янгидан жило топди. Улуғ шоир ва мутафаккир А. Навоийнинг 550 йиллиги умумхалқ тантаналарига айланди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши муносабати билан унинг равнақи учун кенг имконият яратилди. Тошкент ва Фарғонада янги дорилфунунлар, шарқшунослик, ҳуқуқшунослик, молия олий ўқув юртлари очилди. Иқтидорли ёшларни, уларнинг илм-фанга интилишларини рағбатлантириш мақсадида республика Улуғбек жамғармаси ташкил этилди. Йигит-қизларимизнинг таҳсилини хорижий мамлакатларда давом эттириш учун имкониятлар яратилмоқда. Виждон эркинлиги тўғрисидаги Қонун асосида диний маросимларни ўтказиш йўлидаги тўсиқлар олиб ташланди. Диндорларнинг ҳажга бориб келишлари учун имкониятлар яратиб берилди. Ўнлаб янги масжидлар очилди. Хуллас, республикамиздаги мураккаб иқтисодий аҳволни бартараф этиш устида бош қотириш билан бирга, маънавий тараққиёт масалалари ҳам раҳбариятимиз эътиборидан четда қолаётгани йўқ.

Энг муҳими шуки, мамлакатда алғов-далғов кучайиб, қонун ва дастурларни ҳаётга татбиқ этиш мумкин бўлмай қолган бир шароитда республикамиз раҳбарияти ўз мустақил сиёсатини амалга оширишда қатъийлик кўрсатмоқда.

Кадрларга ишонч ва талабчанлик, ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш, уларга қулай имкониятлар яратиб бериш қандай натижалар бераётганлигини жумҳуриятнинг барча аҳолиси яққол сезиб турибди. Республикадаги сиёсий ва иқтисодий аҳвол, бошқа минтақаларга нисбатан анчагина барқарор, халқимиз тинч меҳнат билан банддир.

Ўзбекистон халқаро майдонда ҳам дастлабки қадамларни қўймоқда. И. А. Каримов бошчилигидаги Республика давлат делегациясининг Ҳиндистонга сафари ва дўст мамлакат билан тузилган битимлар, Президентимизнинг Туркияга бўлажак расмий ташрифи, Хитой, Покистон, Эрон ва бошқа мамлакатлар билан бевосита алоқалар ўрнатилаётганлиги Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаётганлигининг нишонидир.

И. А. Каримов собиқ Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби ва Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланганидан сўнг республикамизнинг обрўсини тиклаш, меҳнаткаш, заҳматкаш халқимизнинг ор-номусини ҳимоя қилиш учун Марказнинг ҳокимлигига, машъум гдлянчилар тўдаси ва уларнинг маҳаллий шерикларига қарши дадил кураш бошлади. «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» деб тўқиб чиқарилган уйдирмалар халқимизга нисбатан қилинган ғирт туҳмат эканлиги очиб ташланди. Минглаб беғубор кишиларнинг пок номи тикланди, қонунсиз равишда ҳибсга олинган талай жабрдийдалар озодликка чиқдилар.

И. А. Каримовнинг фаолияти даврида республикамиз демократия ва ошкоралик сари тобора дадилроқ қадам қўймоқда. Ҳақиқий парламентга ўхшаб бораётган республика Олий Кенгаши республика тақдири билан боғлиқ бир қатор қонунларни қабул қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, виждон эркинлиги, матбуот, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар тўғрисидаги ва бошқа кўп қонунлар жамиятимиз ҳаётини демократиялаштириш ишига қўшилган муҳим ҳиссадир. «Эрк» сиёсий партияси ва «Бирлик» ҳаракатининг расмий рўйхатдан ўтказилганлиги ва Президент сайловида муқобил номзодларнинг кўрсатилганлиги фикримизни тасдиқловчи мисоллардир.

И. А. Каримов Ўзбекистон Халқ демократик партиясини тузиш ташаббуси билан чиқди ва шу йил 1 ноябрь куни биринчи Таъсис қурултойи янги партия тузилганлигини расмийлаштириб, якдиллик билан Ислом Абдуғаниевични партиянинг раиси этиб сайлади.

Унинг раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Дастури ва Низомда таъкидланганидек, янги партия ўзининг сиёсати, ташкилий тузилмалари, иш услуби жиҳатидан, ҳам шаклан ва ҳам мазмунан чинакам халқ партияси бўлмоғи керак. Партиямизнинг раҳбари бизни халқ билан ҳамиша ҳамнафас бўлиш, унинг дарди билан яшаш, манфаатларини дадиллик билан ҳимоя қилиш, ёрдамга мухтож ҳар бир инсонга мадад қўлини чўзишга чорламоқда. Ислом Абдуғаниевичнинг ўзи бу соҳада ибратли ишларни амалга ошираётганлиги кўпчиликка маълумдир. Ҳа. Ислом Абдуғаниевич Каримов қуруқ ваъзхонлик, вадабозликни, ортиқча шовқин-сурон ва дабдабабозликни ёқтирмайди. У масалаларга мавжуд воқеликдан келиб чиқиб ёндашиш, халқ манфаатларини, инсон тақдирини кўзлаб, аниқ ишларни амалга оширишнинг тарафдоридир.

«Ўзбекистонда фуқаролар осойишталигини бундан кейин ҳам таъминлаш, уни мустаҳкамлаш, ҳар бир оилани, оналаримизни, аёлларимизни, болаларимизни, бир сўз билан айтганда, барча кишиларимизни жиддий муҳофаза этиш, — деб таъкидлайди И. А. Каримов ўзининг сайловолди мурожаатида, — бизнинг олий мақсадимиз бўлиб, унинг учун ўзимизни ҳеч ҳам аямай курашамиз. Шунинг ўзи учунгина яшасак ва меҳнат қилсак арзийди.»

Республикада И. А. Каримовнинг оиласи, унинг оилапарварлиги кўпчиликни қизиқтиради. Бу ҳақда унинг турмуш ўртоғи Татьяна Акбаровна шундай дейди: — Ислом Абдуғаниевични яқиндан танийдиган кишилар уларнинг ўзига ғоят талабчанлигини яхши биладилар. Улар энг аввало бировлар ҳақида ўйлайдиган ва ғамхўрлик қиладиган кишилар тоифасидан. Улар қаерда ишламасинлар, биз қаерда яшамайлик, ҳамма вақт шундай бўлиб келган. Ислом ака билан турмуш қурганимга йигирма йил бўлди. Аммо мана шу йиллар давомида иш доимо улар учун биринчи навбатда турганлигини айтишим керак. Ишга жуда эрта борадилар, кеч қайтадилар, уйда ҳам шу масалалар билан банд бўладилар. Тузукроқ дам олиш учун деярли бўш вақтлари қолмайди. Баъзан ўз оиласи учун кўпроқ вақт ажратолмаганликларидан ҳижолат эканликларини айтадилар. Отпускамиз ҳам белгиланган муддатдан анча илгари тугайди. Ҳамиша янги ғоялар, янги масалалар билан банд бўлиб юрадилар. Шу сабабли ҳам таътилни барвақтроқ тугаллаб уйга қайтиш тараддудига тушиб қоламиз. Икки қизимиз бор: — Гулнора ва Лола. Катта қизимиз яқинда оилали бўлди. Ислом аканинг вақти қанчалик зиқ бўлмасин албатта қизлари тарбияси учун вақт ҳам, имконият ҳам топишга ҳаракат қиладилар...

Хулоса қилиб айтганда, Ислом Абдуғаниевич Каримовда раҳбар учун зарур бўлган ҳислатлар—ишчанлик, талабчанлик, катта ташкилотчилик ва узоқни кўра билиш қобилиятлари етарли. Шу билан бирга у камтарлик, адолатпарварлик, инсонпарварликдек фазилатлари эгасидир. Қисқа вақт ичида ўзининг салмоқли ва самарали ишлари билан элу юртнинг ҳурматига сазовор бўлган, партиямизнинг Раиси Ўзбекистон Президенти лавозимига тамомила лойиқ дир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси номидан жонажон ўлкамизнинг равнақи, халқимизнинг осойишталиги, фуқароларнинг фаровонлигини ҳоҳлаётган барча сайловчиларни бизнинг номзодимиз — Ислом Абдуғаниевич Каримов учун овоз беришга даъват этамиз!

ҲАММА САЙЛОВГА!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг Матбуот маркази.



● Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Абдуғаниевич Каримов ҳаётидан лавҳалар.

Владимир МОЛГАЧЕВ ва Наби ЎТАРБЕКОВ олган суратлар.

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНЛАРИ—АМАЛДА

ҒАМХЎРЛИК САМАРАСИ

●Жумҳуриятимиз Президентининг ҳар бир фармонида инсонга амалий ғамхўрлик ўз ифодасини топган. Поп районида уларни бажариш борасида катта ишлар амалга оширилди. Чунончи 1990—1991 йиллар мобайнида аҳолига шахсий уй-жой қуриш ҳамда томорқа учун суғориладиган унумдор ерлардан уй қуриш учун 5843 оилага 538 гектар, турли хилдаги экин экиш учун 16103 оилага 2035 гектар ер ажратиб берилди.

Аҳолига берилган ерларда сабзавотлар ва бошқа экинлар экиш қўплаб хонадонларга ўз бюджетини мустаҳкамлаш, томорқалардан йил давомида камида икки ва уч марта ҳосил олиш имкониятини берди. Масалан, «Дўстлик» жамоа хўжалигидаги Чортоқ қишлоғида истиқомат қилаётган Сатторали Абдуназаров, Поп шаҳрида истиқомат қилаётган Сирожиддин Мамадалиев, Ҳасанбой Умаров, Қодиржон Калонов, Ленин номли давлат хўжалигининг аъзолари Зокиржон Кенжаев, Юсуф Усмонов, Олимжон Зайниддинов сингари юзлаб тадбиркор деҳқонлар жорий йилнинг ўзидаёқ 0,6 — 0,10 сотих ердан 4—5 минг сўмгача даромад олишди.

С. ҚУЧҚОРОВ,
Наманган вилояти.

ИЖАРАЧИЛИК ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

● Ижарачилик ҳаракати бизнинг районда биринчилардан бўлиб бошланган эди. Кейинги икки йиллик натижалар унинг тўғри эканини кўрсатмоқда. Олдинги хўжасизликдан тадбиркорлик йўлига ўтишнинг асосий омилларидан бири ижарачилик эканини кўпчилик тушунаётир.

Икки-уч йил муқаддам хўжалигимизда иш юритишнинг замонавий усули танланиб, жиддий ўзгаришлар қилина бошланди. Шу муносабат билан ишлаб чиқариш учун самара бермай қўйган штатлар тугатила бошланди. Жумладан, бўлимлар тугатилиб, улар ўрнига агроучасткалар тузилди.

Мен ҳам ўз бўлимимизда ўн бир йил давомида механик бўлиб ишлаб келар эдим. Бироқ ўз вазифам, меҳнатим самарасини кўрмас эдим.

Нон топиб, тирикчилик ўтказиб турган вазифам қисқаришга тушаётганда анча ташвишландим. Лекин участкамиз бошлиғи, тажрибали пахтакор Эгамберди Ботиров менга далда берди, ижарачи бригадага бошлиқ бўлиб ишлашни таклиф этди. Дастлаб бироз бўлса-да чўчидим. Сўнг қани, мен ҳам ўзимни бир синаб кўрай-чи, — дея рози бўлдим.

Тўғри қилган эканман ўшанда. Икки йилдирки, ўз меҳнатимиз билан обрў топмоқдамиз. 61,5 гектар еримиз бор. Ижарачилик жамоамизда ўн киши меҳнат қилади. Бригадада ҳар кимнинг ўз иши ва белгилаб қўйган жойи бор, ҳар ким ўз иши учун жавоб беради ва шунга қараб ҳақ олади. Харажатни тежаш ва манфаатни яхшилаш мақсадида механизаторликни ҳам ўз зиммамга олишимга тўғри келди.

Биз ижарачилик жамоамиз учун бўлаётган сарф-харажатларнинг миридан-сиригача ўртада маслаҳат билан ҳал қиламиз. Бир эски тракторни ишлатиб юрган эдик. Қарасак, у билан қийналиб қоладиганмиз. Хўжалик раҳбарлари ёрдамида бу йил гарчи қиммат бўлсада, янги агрегат сотиб олдик. Шу агрегатда 200 тоннадан зиёд пахта тердим.

Йиллик пахта тайёрлаш режасини эса биринчилардан бўлиб бажарганмиз. Гектар бошига режадаги 26 ўрнига 30 центнердан ҳосил олдик. Чунки пахтанинг ҳарид нархи оширилди. Тағин режадан ортиғини ўз ихтиёримиз билан сотадиган бўлдик. Бу эса биз, ижарачилар учун айниқса зарур.

Ҳ. ТУРОБОВ,
Ильич районидаги Ш. Рашидов номли давлат хўжалиги бригада бошлиғи.

ҲАР БИР КУН ҚАДРЛИ

Пойтахт олий ўқув юртларида таҳсил кўраётган ёшларнинг асосий қисми қишлоқлардан келишган. Биз ўз қишлоғимизга борганимизда бу ерда амалга оширилаётган ва ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларнинг илдизини ҳам кўрамиз. Бу борада Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг қишлоқ меҳнатчиларига қилаётган ғамхўрлигидан мамнунмиз.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг талабалар ва ўқувчи ёшларга қилаётган ғамхўрлиги ҳар биримизни аъло ўқишга, жамоат ишларида фаол қатнашишга ундамоқда. Кейинги йилларда бир гуруҳ талабаларнинг ҳорижий мамлакатларга ўқишга бораётганлиги ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

Мен таҳсил кўраётган дорилфунуннинг машинасозлик конструкциялаш куллиёти талабалари ҳам ҳар бир кунни қадрли билиб, ўқишга интилмоқдалар. Чунки, бизнинг аъло ўқишимиз эртанги куннинг фидоий мутахассислари бўлишимиздан дарак беради.

Шеримқул НАБИЕВ,
Тошкент давлат техника дорилфунуни 5-курс талабаси

МАҚСАД — ХАЛҚҚА САДОҚАТ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг партия клубида турли учрашувларни ўтказиш анъанага айланиб қолди. Куни кеча ана шундай учрашувлардан бири бўлиб ўтди. Бу сафар клубга Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари ташриф буюрдилар. Учрашувни республика Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши котиби Ҳ. Абдураимов очди.

29 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар И. А. Каримов ва М. Солиҳ дастурлари ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш бўйича ошкора суҳбат бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг раиси И. А. Каримовнинг ишончли вакили, Тошкент деҳқончилик дорилфунунининг доценти Ш. Темуров сайловолди учрашувлари ҳақида сўзлаб берди.

— Кейинги йилларда республикамиз Президенти ўтказаётган сиёсат ҳар биримизга маъқул тушмоқда, — деди у. — Ўзбек тилимизга давлат мақоми берилди. Минглаб деҳқонларимиз ер билан таъминланди. Энг асосийси эса республикамиз мустақилликка эришди. Энди биз ҳар йили 1 сентябрь кунини Мустақиллик куни сифатида шодиёна байрам қиламиз.

Президентликка номзод И. Каримовнинг ёшларга, хусусан талабаларга кўрсатаётган ғамхўрлиги беқиёс. Бугунги кунда айрим талабаларимиз хорижий мамлакатларнинг олий ўқув юртларида таҳсил кўраётганликлари ва катта тажриба орттириб қайтаётганликлари бежиз эмас. Биз республика келажагини ўйласак, И. А. Каримов номзоди учун овоз берсак, сира янглишмаган бўламиз.

Ўзбекистон жисмоний тарбия олийгоҳидан И. Акромов сўз олиб Ўзбекистон Президентлигига номзод И. А. Каримовга овоз бериш ва шу билан бирга республика физкультура ва спортини ривожлантиришга янада эътибор қаратишини таъкидлади.

Тошкент Давлат 2-тиббиёт олийгоҳи талабалари шифокорлар шаҳарчаси ва олийгоҳнинг бир қатор муаммолари хусусида тўхталдилар. Жумладан, шифокорлар шаҳарчасида ёшларнинг маданий дам олишлари учун ҳеч қандай шарт-шароит йўқ. Бугунги кунда ёшлар спорт майдончалари йўқлигидан машғулот ўтказаолмаётирлар. Бадиий ҳаваскорлик аъзолари ўз маҳоратларини ошириш учун ҳам имконият топилмаяпти.

Тошкент техника дорилфунунининг 4-курс талабаси Д. Бекнаев талабалар шаҳарчасидаги муаммоларга тўхталди. Шу билан бирга у ўқув дастурларини янгилаб, шу кун талабларига мос ҳолда ўтиш зарурлигини уқтирди. Рус тили ва адабиёти олийгоҳи 4-курси студенти А. Андақулов ва бошқа талабалар ҳам Ўзбекистон Президентлигига номзод И. А. Каримов учун овоз бериш билан бирга ўзлари таҳсил кўраётган олий ўқув юртларининг муаммолари ҳусусида дил сўзларини айтдилар.

Талабаларнинг бир қатор саволларига Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши котиби А. Саидов, иқтисод фанлари номзоди Ф. Рўзиев ва бошқалар жавоб бердилар.

М. ПИРМАТОВ.

ОШКОРА МУЛОҚОТ

(Боши биринчи бетда).

— Мустақил Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон раҳбарлари билан учрашиб, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги тўғрисида фикрлашиб олиш ниятида бу ерга келдим, — деди Ислом Каримов. — Бизнинг фикримиз ошкора бўлиши керак. Мен мустақил давлатлар ҳамдўстлиги тарафдориман, чунки у халқ манфаатларига, унинг орзу-умидларига мос келади.

Учрашувда қатнашиш учун Тожикистон Президенти Р. Н. Набиев, Қирғизистон Республикасининг Президенти А. А. Акаев, Қозоғистон Президенти Н. А. Назарбоев ҳам шу куни Ашхободга келдилар.

— Биз ҳаммамиз ҳамдўстлик тарафдоримиз, чунки халқларимизни муштарак анъаналар, урф-одатлар бир-бирига боғлаб турибди. Юз бераётган воқеаларга нисбатан умумий фикримизни ишлаб чиқишга умид қиламиз, — деди Тожикистон Президенти Раҳмон Набиев.

— Истиқлолли мустақил давлатлар ҳамдўстлиги иттифоқни ташкил этишнинг энг демократик шакли, деб ҳисоблайман, — деди Қирғизистон Президенти А. А. Акаев Ашхобод аэропортида журналистларга. — Бу хусусда мен ўз нуқтаи назаримни олдин БМТ минбаридан айтган эдим. Ўз фикримни ўзгартирмайман. Ҳозир мустақил давлатларнинг ҳамдўстлиги биз учун ўзаро алоқалар ва ҳамкорликнинг энг мақбул шакли эканлигига ишончим ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкам.

Қозоғистон Президенти Н. А. Назарбоев бу ерга сўнгги самолётда етиб келди, у туркман диёридаги учрашувдан хурсанд эканлигини айтди. Журналистларга ўз фикрини улар билан ўтказиладиган учрашувда батафсил сўзлаб беришини маълум қилди.

Шу куни Туркманистон Президенти Боргоҳида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон Олий раҳбарларининг музокаралари бошланди. Беларусь, Россия ва Украина имзолаган мустақил давлатлар ҳамдўстлиги тўғрисидаги битимга муносабат баҳсларнинг бош мавзусидир.

Учрашувни С. А. Ниёзов кириш сўзи билан очди. У мустақил республикалар бошлиқларини Туркманистон пойтахтида қизғин ва самимий табриклади ҳамда учрашув самарали ва амалий бўлади, деб умид билдирди.

— Биз мустақил давлатлар битимини ҳар томонлама чуқур муҳокама қилишимиз лозим, — деди Туркманистон Президенти, — шундан кейин ҳозирги пайтга баҳо беришимиз лозим. Бизнинг мақсадимиз — иқтисодий алоқаларимизни сақлаб қолишдир.

Музокара эшиклари журналистлар учун беркитиб қўйилган. Музокаралар шу муҳим учрашув якунларига доир ҳужжатни имзолаш билан тугаши кутилмоқда.

Мустақил Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон раҳбарлари 13 декабрь куни эрталаб баёнотни имзоладилар. Бу ҳужжат мустақил республикалар президентларининг учрашуви ва Беларусь, Россия ва Украина имзолаган мустақил давлатлар ҳамдўстлиги тўғрисидаги битимга муносабатга доир музокаралар чоғида ишлаб чиқилган.

Баёнотда, жумладан, «Беларусь РСФСР, Украина раҳбарларининг олдинги ҳуқуқсиз республикалар ўрнида ҳамдўстликка бирлашган мустақил ҳуқуқий давлатларни барпо этиш муддаоларини биз тушуниб кутиб олдик», дейилади. «Бироқ бу ҳақдаги битим биз учун кутилмаган воқеа бўлди, — деб таъкидланади ҳужжатда. — Аввалги СССР субъектларининг СССР халқ депутатлари V съезди қарорлари асосида янгитдан бирлашиш жараёни боши берк кўчага кириб қолди. Минск ташаббуси ижобий тусга эгадир».

Учрашув қатнашчилари, мустақил давлатлар ҳамдўстлигини барпо этишга доир куч-ғайратларни мувофиқлаштириш зарур; бундай ҳамдўстлик ҳуқуқий асосда қурилиши керак; мустақил давлатлар ҳамдўстлиги тўғрисидаги қарорлар ва ҳужжатларни ишлаб чиқиш жараёнида собиқ иттифоқ субъектларининг тенг ҳуқуқли иштироки таъминланиши даркор, деб ҳисоблайдилар. Бунда ҳамдўстликни ташкил этувчи барча давлатлар, деб таъкидланади Баёнотда, унинг муассислари деб эътироф этилиши ва битим матида аҳдлашувчи юксак томонлар деб кўрсатилиши лозим.

Ҳужжатда жаҳондаги стратегик барқарорликни сақлаб қолиш манфаатларини кўзлаб ядро қуроллари устидан ягона назоратни ҳамда ядровий тийиб туриш қўшинлари ва ҳарбий-денгиз кучлари бирлашган қўмондонлигини таъминлаш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланади.

Учрашув қатнашчилари барча субъектларининг манфаатларини ҳисобга оладиган мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг тенг ҳуқуқли ҳаммуассислари бўлишга тайёр эканликларини айтдилар.

Учрашув қатнашчиларининг журналистлар билан суҳбати бошланди.

• Бизнинг мусоҳаба

ИТТИФОҚ КЕНГАШИДАГИ НАЙРАНГБОЗЛИК

Кейинги кунларда оммавий ахборот воситаларида чиққан айрим хабарлар муносабати билан Ўзбекистонда «Пахта иши» ва «Ўзбек иши» баҳонасида халқимиз ғурурини топташга қаратилган ҳатти-ҳаракатлар қилган Гдлян ва Иванов Москвада оқланибди деган гап-сўзлар кўпайди. Бунга СССР Олий Кенгаши Иттифоқ Кенгашида тергов гуруҳи раҳбарларига оид масалада қарор қабул қилингани сабаб бўлди. Муштарийларимиз Гдлян ва Иванов қанақа қилиб оқланар экан, деган ҳақли саволни қўйишмоқда. Бу ҳақда гапириб беришни сўраб СССР Олий Кенгаши аъзоси, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг раиси Б. А. АЛЛАМУРОДОВга мурожаат қилдик.

— Шу йил 4 декабрда кунининг иккинчи ярмида кечки мажлисдан олдин Иттифоқ Кенгашида кўриладиган масалалар қаторига янгиси қўшилганини билиб қолдик. Иттифоқ Кенгашининг раиси К. Лубенченко «СССР Олий Кенгашининг 1990 йил 18 апрелдаги СССР Иттифоқи Прокуратурасининг Гдлян раҳбарлик қилган тергов гуруҳи фаолияти билан боғлиқ материалларни текшириш учун тузилган Комиссиянинг хулосалар тўғрисидаги қарорига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги масалани таклиф қилди. Тўсатдан қилинган бу ҳаракат бизни ниҳоятда ҳайрон қолдирди, ғазаблантирди. Ўша мажлисда ўзбекистонлик 14 халқ депутатидан кўпчилиги афсуски, иштирок этмаётган эди.

— Бўри Алламуродович, нима, бу масала олдиндан режалаштирилган эмасмиди?

— Йўқ. Одатда Иттифоқ Кенгаши мажлисида кўриладиган масалаларни олдиндан тасдиқлаб олиб, муҳокамани режали асосда олиб борилади. Мана, қўлимда шу йил ноябрь — декабрь ойлари учун қараб чиқилиши мўлжалланган масалалар рўйхати. 4 декабрь куни кўрилиши мўлжалланган масалалар орасида терговчиларга оид иш ёзилмаган.

— Таклифга сизлар қандай муносабат билдирдингизлар?

— Биз, ўзбекистонлик депутатлар ўзаро маслаҳатлашиб, таклифга қарши эътирозларимизни билдирдик. Биринчидан, бу масала кун тартибида кўзда тутилмаган. Иккинчидан, масалага бевосита дахлдор халқ депутатлари — тергов гуруҳи фаолиятини текширган ва хулосасини тақдим этган Съезд Комиссиясининг раиси Р. Медведев, шу комиссияда бевосита фаол ишлаган вакилимиз В. Одилов иштирокисиз буни қараб чиқиш асло мумкин эмас. Учинчидан, бу масала оддий муаммолар қаторига кирмайди. Айниқса Ўзбекистон халқи учун бу адолатли ҳал қилиниши лозим бўлган сиёсий масала эканлиги равшан. Республика вакиллари ҳозир буни кўриб чиқишга тайёр эмаслигини ҳисобга олиб, масалани кун тартибига киритмасликни қатъий талаб қилдик. Агар тўсатдан қилинган юқоридаги таклиф қабул қилинса, мажлисни ташлаб чиқиб кетиш ҳақида баёнот бердик.

Лекин Россиядан сайланган вакиллар сон жиҳатидан кўпчилик бўлгани учун Кенгаш раиси ўз таклифини ўтказишга муваффақ бўлди.

Биз норозилик тариқасида мажлис бўлаётган зални ташлаб чиқиб кетдик. Сўнгра ўз норозилигимизни Иттифоқ Кенгаши Раиси К. Лубенченко номига ёзиб топширдик. Норозилик мактубида масалага бевосита алоқадор бўлган бутун бир республика депутатларининг фикрини ҳисобга олмасдан, эшитмасдан, ўрганмасдан туриб масала юзасидан қарор шошма-шошарлиқ билан қабул қилингани нотўғри бўлганини ёздик.

— Иттифоқ Кенгаши қабул қилган қарорда Бош прокурорга Гдлян ва Ивановни илгари эгаллаб турган вазифаларига қайтариш тўғрисида гап бор. Бунинг қандай юридик кучи бор?

— Йўқ. Чунки 1990 йил 18 апрелдаги қарор Олий Кенгашнинг икки палатаси қўшма мажлисида қабул қилинган. Мабодо бугун қарорга ўзгартириш эҳтиёжи туғилган экан, уни ҳар икки палата қўшма мажлиси муҳокама қилиши лозим эди. Бу қарор Иттифоқ Кенгашининг бошқа томонлари каби Республикалар Кенгаши тасдиқласагина кучга киради. Республикалар Кенгаши ҳали мазкур масалани кўриб чиқмаган ва қарорни тасдиқламаган экан, тергов раҳбарларини ишга тиклаш тўғрисидаги қарор ҳам кучга кирди, дейишга асос йўқ. Менинг фикримча, Республикалар Кенгашига сайланган ўзбекистонлик халқ депутатлари мажлисга жиддий ва пухта тайёргарлик билан боришлари лозим.

Суҳбатни «Ўзбекистон овози» махсус мухбири

А. АБДУБАННОПОВ олиб борди.

СССР ПРЕЗИДЕНТИ АШХОБОД УЧРАШУВИ ҲАҚИДА

СССР Президенти Михаил Горбачев мамлакат келажаги масалаларини муҳокама қилиш жараёни кенг, нуфузли тус олиб бораётганлигидан мамнун бўлди. Президентнинг Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон раҳбарларининг Ашхободдаги учрашуви натижаларига ана шундай муносабатини Президент матбуот шўъбасининг раҳбари Андрей Грачев кеча журналистларга маълум қилди.

Брестда бошланган мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузиш жараёни олдинги Иттифоқнинг барча аъзоларини ўз ичига олмоқда, бу эса ССР Иттифоқининг барча ҳуқуқий ворисларини шу жараёнга жалб этиш имконини беради, деб ҳисоблайди Президент.

Бу бўлажак давлат чинакам демократик туздаги ислоҳотлар тўғрисида жуда муҳим қарорлар қабул қилиш чоғида қарама-қарши туришдан ҳоли бўлишга имкон берадиган муҳим жиҳатдир. Жараённинг шу тарзда давом этиши Михаил Горбачевнинг қабул қилинган қарорлар конституциявийлиги тўғрисидаги тасаввурларига мос келади, деди Президентнинг ёрдамчиси.

(ТАСС).

Эшитмадим деманглар

МАМЛАКАТДА

ПАРЛАМЕНТДА МУЗОКАРА

● Иттифоқ парламенти иккала палатасининг депутатлари Кремлга йиғилиб, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги тўғрисидаги битим муносабати билан вужудга келган вазият ҳақида фикрлашиб олдилар.

Депутатлар Иттифоқ парламенти палаталари комитетларида чуқур тадқиқот иши ўтказишни, ўтиш даврида амал қиладиган Иттифоқ қонунлари мажмуини таҳрир этишни, келгуси ҳафтада эса палаталарнинг қўшма мажлисига йиғилишни таклиф этдилар.

БИТИМ ТАСДИҚЛАНДИ

● Россия парламенти мустақил давлатлар ҳамдўстлиги тўғрисидаги битимни тасдиқлади. Битимни тасдиқлаш учун 188 депутат овоз берди. 6 депутат қарши овоз берди, 7 киши бетараф қолди.

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

● Михаил Горбачев Кремлда совет оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди. Мулоқот икки соат давом этди. Мамлакат президенти билан учрашувда вужудга келган вазият муҳокама этилди.

СССР Президенти учрашувда: халқ ўз йўлини Конституция доирасида танлаб олиши учун ҳамма ишни қилиши керак, деган асосий фикрни таъкидлаб ўтди.

НОМИ ЎЗГАРДИ

● Мамлакат хотин-қизларининг жамоа ташкилоти номидаги «совет» сўзи олиб ташланди ва у энди «Хотин-қизлар комитети» деб номланади.

Лекин шу ташкилот раёсати қатнашчиларини бу ном қониқтирмади. Қарор қабул қилинди. Унга кўра комитетнинг пленуми ташкилот номини узил-кесил белгилаб беради.

ХОРИЖДА

ИККИ КОРЕЯ ЎРТАСИДА КЕЛИШУВ

● Корея ярим ороли 1945 йилда Шимол ва Жанубга ажратилганидан сўнг илк бор КХДР билан Корея Республикаси яраш, ҳужум қилмаслик, бир-бирларига делегациялар юбориш ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни ўзаро имзолаш юзасидан аҳдлашиб олишди. Сеулда ўтаётган икки Корея ўртасидаги музокараларда шу маълум бўлди.

САФАРГА ЧИҚАДИ

● АҚШ ҳукуматининг мажлиси бўлди. Мажлисдан сўнг президент Жорж Буш давлат котиби Жеймс Бейкер билан учрашди. Давлат котиби шанба куни яна сафарга чиқади. У Москва, Киев ва Минскка боради. Сафар олти кун давом этади.

МИННАТДОРЧИЛИК

● «Гранма» рўзномаси таҳририяти совет фуқароларининг бир гуруҳи мактубини эълон қилди. Унда ёзилишича, афғон урушида қатнашган совет фуқароларининг бир гуруҳи Гавана касалхоналаридан бирида шифоланиш имкониятига эга бўлишган. Шу муносабат билан улар Куба халқига миннатдорчилик изҳор этишган.

(Ахборотлар ТАСС ва Марказий рўзномалар хабарлари асосида тайёрланди).

«Ўзбекистон овози» материаллари изидан

«ОЛТИ СЎМ ЎРНИГА 25 СЎМ»

Рўзномамизнинг шу йил 21 ноябрь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада йўловчилардан ортиқча пул олган проводникка Андижон депоси раҳбарияти томонидан ўта енгил жазо берилганлиги айтилган эди. Шу мақола хусусида ЎРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛЛАР БОШҚАРМАСИДАН РАСМИЙ ЖАВОБ ОЛИНДИ:

— Мақолада номлари келтирилган шахслар иштирокида муҳокама қилинди. Шунингдек, йўловчи Араповнинг шикоятида келтирилган фактлар қайтадан кўриб чиқилди.

Текширув чоғида шу нарса маълум бўлдики, Андижон вагон депосида йўловчиларнинг аризаси юзаки текширилган. Натижада проводниклар резерви раҳбарларига интизомий жазо чоралари қўлланилган.

Хизмат йўл-йўриқларини қўпол равишда бузганлиги, йўл ҳужжатларини расмийлаштирмай йўловчи олганлиги учун проводник Насриддинов хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган паст лавозимга ўтказилди. Низоли вазиятни бартараф этмаганлиги, поезд бригадаси иши устидан назоратни бўшаштириб юборганлиги учун поезд бошлиғи Садировга қаттиқ хайфсан эълон қилинди. Агар у яна камчиликка йўл қўйса бригадирликдан четлаштирилади. Бригада эса тарқатиб юборилади.

Бўлиб ўтган ҳодиса ҳамма поезд бригадалари аъзоларига етказилди. Бошқарманинг текширув хизмати ходимларига поездлардаги хизмат кўрсатиш сифатини қаттиқ назорат қилиш топширилди.

16—22 декабрь

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

• Ҳар куни

● 8.25 да **«Соғлом бўлай десангиз»** (шанба ва якшанбадан ташқари, ЎзТВ I).

● 18.00 да **Янгиликлар** (ЎзТВ I).

● 19.30 да рус тилида **«Ахборот»** программаси (ЎзТВ I).

● 21.00 да ўзбек тилида **«Ахборот»** программаси (ЎзТВ I).

● 6.00 да **«Тонг»**. Ахборот-мусиқий кўрсатуви (МТ ОРБИТА-IV).

● 12.30 да ТСН (шанба ва якшанбадан ташқари), 15.30 да (ҳар куни, МТ ОРБИТА-4 да).

● 21.30 да **«Информацион программа»** (ЎзТВ II ва МТ ОРБИТА—IV программаларида).

• 16, душанба

● **ЎзТВ I**

18.10 Мультфильм. 18.15 «Изланиш». 19.00 «Фан ва чорвачилик». Скрябин номли Самарқанд ветеринария илмий-тадқиқот олийгоҳи иш тажрибасидан. 19.50 «Хива». Телефильм. 20.00 Бокс. Халқаро турнир. 21.25 «Бир дарахтнинг икки илдизи». Видеофильм. 21.55 «Барҳаёт наволар». М. Узоқов.

● **ЎзТВ II**

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Ассалому алайкум». 19.30 Кичик концерт. 19.50 Телефильм. 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.10 «Шаҳар юмушлари». 20.35 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 20.50 «Зиёкор». 22.05 «Дарахтлар катта эди». Бадиий фильм. 23.35 «Лаҳза». Хабарлар.

● **МТ «ОРБИТА IV»**

9.30 Мультфильм. 9.50 «От ҳовлида, шеф». Телевизион бадиий фильм премьераси. 11.05 «Янги авлод танлайди». 12.20 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Бевафо хотин» ,Марокаш). 12.50 Телефильм. 13.00 «Краснодар—91». Эстрада қўшиқлари ижрочилари Бутунроссия танлови. 14.10 «Телемикст». 14.55 «Ён дафтар». 15.00 Бу сизга керакми? 15.20 Мультфильм 15.30 ТСН. 15.40 Бу бўлган, бўлганди... 16.00 «Уқувсиз». Телевизион бадиий фильм. 17.30 Болалар соати (француз тили дарси билан). 18.30 «Қизиқувчилар олами». 18.45 Бозор қонунларига биноан. «Мен русча сўзлашмоқчиман...». 19.15 Красноярск Сибирь рақслари ансамблининг концерти. 20.15 «От ҳовлида, шеф». Телевизион бадиий фильм премьераси. 22.05 Футбол шарҳи. 22.35 Теннис. «Катта шлем» кубоги. Финал. 23.35 Муаллифлар ойнаижаҳони. 01.20 ТСН, 01.35 «Венера Илльская». Фильм-концерт.

• 17, сешанба

● **ЎзТВ I**

8.00 Ахборот. 8.35 «Насиба». фильм-концерт. 9.15 «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм. 1-серия. 10.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида».

18.10 Мультфильм. 18.30 Болалар учун. «Қўғирчоқлар — менинг дўстларим». 19.00 «Санъат оламида». Уста Маҳмуд Мамажонов. 19.50 «Бўстонлиқнинг олтин кузи». Манзаралы фильм. 20.20 Гулбаҳор Сулаймонова куйлайди. 21.25 «Спортлото». 21.20 «Ўзбекистон». Видеофильм. 22.00 «Рассом хотинининг портрети». Бадиий фильм.

● **ЎзТВ II**

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун фильмлар: «Инсон туғилди», «Физкульт ура!». 19.15 «Қалбим ҳамиша бедор». Ўзбекистон халқ шоири Рамз Бобожоновнинг 70 йиллигига. 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида. 22.05 «Кинонигоҳ». 23.50 «Пульс». Хабарлар.

● **МТ «ОРБИТА IV»**

9.35 «Бу қасрда жинлар бор, шеф». Телевизион бадиий фильм премьераси. 10.50 «Экранда Сибирь». 11.00 Болалар соати (француз тили дарси билан). 12.00 Футбол шарҳи. 12.50 Концерт. 13.50 «Савдо растаси». 14.05 Биржа янгиликлари. 14.20 «Ён дафтар». 14.25 «Простор». 15.00 ТСН. 15.20 Мультфильм. 15.40 Останкино концерт студиясида академик Н. М. Амосов билан учрашув. 16.00 «Узимга пешвоз». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 17.15 «Чемпионлар билан биргаликда». 18.00 «Болалар мусиқий клуби». 18.15 «Қизиқувчилар олами». 18.30 ТСН (сурдо таржимаси билан). 18.50 «Замонавий санъат музейини яратиш масаласига доир». 19.30 «Орзиқиб кутилган бирлик». Демократик ислоҳотлар ҳаракати съездидан репортаж. 20.00 «Антрепиза» студияси таништиради. 20.15 «Бу қасрда жинлар бор, шеф». Телевизион бадиий фильм премьераси. 22.05 «Телевизион танишув». 23.15 Рафаэлла Карра куйлайди. 00.10 ТСН. 00.25 «Фаулл-контакт каратэ ва кик-боксинг». Халқаро турнир.

• 18, чоршанба

● **ЎзТВ I**

8.00 «Ахборот». 8.35 «Она табиатни асрайлик». Кинопрограмма. 9.35 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради. 10.20 «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм. 2-серия.

18.10 Болалар учун концерт. 18.50 Дўстлик ришталари». 19.50 «Иқтисодий мустақиллик муаммолари». 20.20 Қўшиғимда — Ҳиндистон». Мусиқий кўрсатув. 21.25 «Қўғирчоқ». Бадиий фильм. 1— 2-сериялар.

● **ЎзТВ II**

10.30 Телефильмлар. 11.30 Хуршид Даврон. «Ватан меҳри».

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами. 19.20 «Спринт». 19.35 «Балет оламида». 20.20 «Бадиий бўёқ устаси». Телефильм. 20.30 «Малайзия — Ўзбекистон киносанъаткорлар нигоҳи билан». 22.05 «02» тўлқинида. 22.20 «Кўзгу». Бадиий фильм.

● **МТ «ОРБИТА IV»**

9.35 «Қумдаги уй». Телевизион бадиий фильм премьераси. 11.00 «Чемпионлар билан биргаликда». 11.45 «Болалар мусиқий клуби». 12.00 Хореографик манзара. 12.50 «Нима? Қаерда? Қачон?». 14.00 «Ҳалқа формуласи». Телефильм премьераси. 14.10 «Биржа учувчиси». 14.20 «Телемикст». 15.05 «Ён дафтар». 15.10 «Шерик». 15.40 ТСН. 16.00 «Ҳаёт кузи». 16.15 «Узимга пешвоз». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 17.30 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 18.30 ТСН (сурдо таржимаси билан). 18.50 «Сиёсий текширув». 60-йиллар диссидентлар ҳаракати. 19.20 «Қизиқувчилар олами». 19.35 «Нуқтаи назар». 20.05 «Қумдаги уй». Телевизион бадиий фильм премьераси. 22.05 «Циркни ҳамма севади». Юрий Никулин билан учрашув. 22.50 «Ҳар чоршанба гунафшалар» ёки «Кема сузяпти». 23.50 «Садоқатлилар». «Кришна онги» жамиятининг фаолияти ҳақида. 00.30 ТСН. 00.45 «Ариэль» ансамблининг концерти.

• 19, пайшанба

● **ЎзТВ I**

8.00 «Ахборот». 8.35 «Болалар овози». Концерт. 10.00 «Шавкатли рицарь Айвенго ҳақида қисса». Бадиий фильм.

18.10 Мультфильм. 18.25 «Марғилонлик ишбилармон кишилар». 18.45 «Ёшлик оқшоми». 19.50 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал. 20.10 «Санъатим — саодатим». Раққоса Гулчеҳра Фозилжонова. 21.25 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 21.40 «Кино... Кино... Кино...». 22.50 «Санъат устаси». Тошканбой Эгамбердиев.

● **ЎзТВ II**

10.30 «Ҳайвонот оламида». Кинопрограмма. 11.30 «Депутат ва ҳаёт (такрор).

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Динозавр тухуми». Телефильм. 19.00 «Бу оқшомда» кўрсатуви. 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда» кўрсатувининг давоми. 22.05 «Бозор, нарх-наво ва канон». 22.30 «Кинонигоҳ». 00.15 «Пульс». Хабарлар.

● **МТ «ОРБИТА IV»**

9.30 Мультфильм. 9.40 «Мана... яна Насриддин». Телевизион бадиий фильм премьераси. 11.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 12.15 ИИВ маълумотларига кўра... 12.50 Запорожье телевидениесининг кўрсатувлари. 13.45 «Телемикст». 14.30 «Простор». 15.00 ТСН. 15.20 Р. Идрисова ва Г. Файзуллин куйлайди. 15.40 «Бугун ва ўша пайтларда...». 16.10 «Узимга пешвоз». Телевизион бадиий фильм. 3-серия. 17.30 Бадиий гимнастика. Халқаро мемориал турнири. 18.15 «Қизиқувчилар олами». 18.30 ТСН (сурдо таржимаси билан). 18.50 «Хусусийлаштиришнинг мураккаб йўллари». 19.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 20.05 «Мана... яна Насриддин». Телевизион бадиий фильм премьераси. 22.05 «Шайтон инжилидан». Сталин теварагидаги кишилар ҳақида бадиий-публицистик фильм премьераси. 23.20 ИИВ маълумотларига кўра... 23.35 «Мусиқага таклиф». 00.50 ТСН. 01.05 Волейбол. СССР чемпионати. Эркаклар. МАСК — «Динамо» (Москва вилояти).

• 20, жума

● **ЎзТВ I**

8.00 «Ахборот». 8.35 «Порт». Бадиий фильм. 9.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона». 10.30 «Ботир Зокиров». Фильм-концерт.

18.10 Мультфильм. 18.30 Кинолавҳа. 18.35 Қўқон шаҳар «Сайёра» эстрада гуруҳининг концерти. 19.00 «Эл хизматида». 19.50 Мумтоз куйлардан концерт. 20.20 «Маърифатнома». 21.25 «Мезон». Бадиий-публицистик кўрсатув. 22.55 «Биринчи қалдирғоч». Бадиий фильм.

● **ЎзТВ II**

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ

9.35 Мультфильм. 9.55 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 10.40 «Мусиқага таклиф». 12.10 «Шаман, нималар ҳақида ўйлаяпсан?...». Телефильм премьераси. 12.50 Бадиий гимнастика. Халқаро мемориал турнири. 13.35 Мультфильм. 13.45 Биржа янгиликлари. 14.15 «Ён дафтар». 14.20 «Инновация». 14.35 «Бридж». 15.00 ТСН. 15.20 П. И. Чайковский. «Славянча марш». 15.25 «Қизиқувчилар олами». 15.40 «Ғолиблар». 16.20 Союзлар уйининг Колонна залида Николай Дориза ижодий кечаси. 17.15 Мультфильм. 17.30 Болалар телекўрсатувлари II Бутуниттифоқ фестивали. 18.30 ТСН (сурдо таржимаси билан). 18.50 «Инсон. Табиат. Жамият». 19.05 «КТВ-I» ҳамда «Франс интернациональ» каналлари таништиради: «Ив Монтанни эслаб». 19.40 «Инсон ва қонун». 20.30 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони». 22.05 «ВИД» таништиради: «Взгляд», «Музобоз», «Дело», «Эльдорадо», «Шоу-биржа», мусиқий саҳифа. 01.20 ТСН. 01.35 Авторалли. Париж — Триполи—Киптаун.

• 21, шанба

● **ЎзТВ I**

8.00 «Ассалому алайкум». 9.00 «Бизга мактуб йўллабсиз». 9.40 «Қадрият». 10.10 «Ўзбекистон спорти». 10.40 «Товламачи». Бадиий фильм. 12.05 Раъно Анназарова ва Комилжон Раҳимов концерти 12.35 «Замандас» (қозоқ тилида). 13.35 Саид Аҳмад. «Куёв», Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 15.35 «Нон— ризқ-рўзимиз».

18.00 Мультфильм. 18.15 «Бўталоқ». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли. 19.00 «Навоий гулшани». Алишер Навоий ва табобат. 19.50 «Муҳаммаджон Каримов куйлайди». Видеофильм. 21.00 «Ҳафтанома». 22.00 «53-йилнинг совуқ ёзи». Бадиий фильм.

● **ЎзТВ II**

АШХОБОД КЎРСАТАДИ.

● **МТ «ОРБИТА VI»**

7.00 «Қалдирғоч». Илмий-оммабоп фильм премьераси. 7.30 Ритмик гимнастика. 8.00 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 9.00 ТСН. 9.20 Мультфильм. 9.40 «Дўстларимга мусиқа ҳадя қиламан». 10.15 «Здоровье». 10.45 «Ҳайвонот оламида». 11.25 Тонгги дам олиш кўрсатуви. 11.55 Экологик хроника. 12.10 Саратовда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ XIV телефильмлар фестивалининг совриндор фильмлари. «Васнецовлар дарахти» (Вятка). 13.00 «Бурда моден» таништиради...». 13.30 Режиссёр М. Калик фильмлари. «Хайр, болалар». 14.50 «Янги номлар». Мусиқий кўрсатув. 15.35 ТСН. 15.55 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия. 16.40 Мультфильм. 17.00 «Замонамиз қаҳрамоними?». Долзарб мавзуда очерк. 17.25 «Регентруда». Телевизион бадиий фильм. 18.35 Нодипломатик суҳбатлар. 18.55 Кўп серияли мультфильм премьераси. 19.20 «Бир умрга танг вальс». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1 ва 2-сериялар. 22.05 «Оқшом альбоми». Белла Ахмадуллина. 23.35 МАСКда муз устида зиёфат. Муз саройининг очилишига бағишланган эстрада-спорт программаси. 00.05 «Петерсполн-шоу». 02.25 ТСН (сурдо таржимаси билан).

• 22, якшанба

● **ЎзТВ I**

8.00 «Ҳафтанома». 9.00 «Машрабни куйлаб». Фильм-концерт. 9.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Карвон». 10.10 Инглиз тили. 10.40 «Фермер хўжаликларида». 11.10 «Она-Ватан». Адабий театр. 11.40 «Оила». 13.00 «Беором кун». Бадиий фильм. 14.35 «Деҳқон ва замин».

18.00 Мультфильмлар. 18.30 Болалар учун. «Доно бобо ўгитлари». 19.00 «Ёғду тараётувчилар». 19.50 «Эсталик учун дастхат». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулчеҳра Жамилова. 20.20 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув. 21.25 «Хотиралар йўлга ёқади чироқ...». Ўзбекистон халқ шоири Рамз Бобожон. 22.35 «Фирибгарнинг фирибларидан ёки бир жойда зир югуриш». Бадиий фильм.

● **ЎзТВ II**

БИШКЕК КЎРСАТАДИ.

● **МТ «ОРБИТА VI»**

8.30 Ритмик гимнастика. 9.00 ТСН. 9.20 «Спортлото» тиражи. 9.35 «Севги изҳори». 9.50 «Сиз яратган боғ». 10.05 «

МУҲАРРИРИЯТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Шарқоналик тимсоли

«Ганг дарёсининг қизи», «Интеграл» каби бадиий ва кўплаб ҳужжатли фильмлар ижодкори, таниқли кинорежиссёр Ҳожи Аҳмар муҳарририятимиз меҳмони бўлди. Жаҳонга танилган кино устаси А. Довженконинг шогирди бўлишлик насиб этган ўзбек санъаткори ўзининг ижодий йўли, экран асарларини дунёга келиши тарихи, ижрочилар танлови ҳамда суратга тушириш техникаси ҳусусида ҳикоя қилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Мухлислар «Уран сайёрасининг йўлдоши» бадиий фильмини яхши билишади. Ҳожи ака шу фильмнинг биринчи ўзбекча нусхасини ўзи билан олиб келганини ва уни журналистларга намойиш этмоқчи эканини маълум қилди. Ёзувчи Александр Беляевнинг «Ариэль» қиссаси асосида Ҳожи Аҳмарнинг ўзи сценарий ёзиб, ўзи режиссёрлик қилган бу фильмнинг томошасидан қониқиш ҳосил қилдик. Бош ролни ижро этган Искандар Ҳожи Аҳмар истиқболли актёр эканлигини кўриш мумкин. Фильмни моҳир оператор Хотам Файзиев мураккаб ҳолатларда суратга туширишни эплаган.

Маълумки, одамзод тушида учади. Тушнинг таъбири бўйича эса пок, ҳалол, гуноҳсиз кишилар, хусусан болалар кўпроқ учарканлар. Фильмда илоҳийлик, бобокалонларимиз Форобий, Бобур, Улуғбек, Амир Темур руҳлари мададкордек кўринади. Кино асар ғоясида шарқона тарбия мактаби асос қилиб олинган. Гарчанд саргузашт-афсонавий бу фильмда одамнинг парвоз қилишини илмий тадқиқотлар асосида кўрсатишга уринилган бўлса-да, бундай имконият ҳар кимга ҳам насиб этавермаслиги ўзига хос таъкин этилган. Бунинг учун сабр-қаноат, шукронаслик, поклик, ҳалоллик, имоннинг бутлиги, ҳиммат ва саховатпешалик, савоб кетидан қувиш каби саъйи ҳаракатлар ҳам борки, бундай ҳислатлар кўпроқ шарқоналикдан далолат беради. Бу нарса фильм қаҳрамонининг оврўпалик бир гўзал билан бақамти келганда шайтон васвасаси, аёл макрига учмай, ҳар қандай хилқатлар олдида таъма қилмасликка қодирлигида одобимиз нечоғлиқ мукаммал ва мухтасар эканлиги намоён бўлади. Бир сўз билан айтганда жаҳон бозоридан ўрин олган фильм якунида инсонга битмас-туганмас имкониятлар инъом этилган экан, деган фикрга бориш мумкин.

Ҳ. НОСИРОВ.

• *Жамият, инсон ва қонун*

„ХАЗИНА СОҚЧИЛАРИ“

ЕКИ ХАЛҚ РИЗҚИНИ ҚИЯЕТГАНЛАР ИЎЛИГА ЯНА БИР ҒОВ СОЛИНДИ

Ҳозирги алғов-далғов кунларда беқарорлик қалқиб турган бир пайтда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалар танг ҳолатга тобора юз тубан шўнғиб бораяпти. Устига устак ўғирлик, давлат мол-мулкини талон-тарож қилиш авж олмоқда. Хўш, бунинг йўлини қандай қилиб кесиш мумкин? Ҳозирги мураккаб шароитда биргина Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш идоралари авжига чиқаётган жиноятчилик йўлини тўса оладиларми ёки йўқми?

Маълумки, республикамиз Олий Кенгаши, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига биноан Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги тизимида ўтказилаётган тузилмаларнинг тубдан қайта ташкил этилиши милиция фаолиятининг самарали бўлишига олиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Фармонига биноан ички ишлар идоралари ва ички қўшинлар эндиликда бевосита унинг ихтиёрига берилди. Шунингдек, Ички ишлар вазирлигида моддий-товар бойликларини республикадан ташқарига олиб чиқиб кетишни назорат қилувчи давлат назорати Бош бошқармасининг ташкил этилиши ҳам айни муддао бўлди. Мазкур бошқарма томонидан бир ой ичида нопок шахслар томонидан четга олиб чиқиб кетилаётган 50 миллион сўмлик маҳсулот республикага қайтарилди...

Қисқа муддатда бунга қайдай эришилди? Янги бошқарманинг вазифалари нималардан иборат? Ҳозирги шароитда қандай фаолият кўрсатиш мумкин? Бош бошқарма бошлиғи У. А. АБДУҒАНИЕВ билан бўлган қуйидаги суҳбатда ана шу саволларга жавоб топасиз.

— Урайимжон Абдуғаниевич, товар бойликларини республикамиздан ташқарига олиб чиқиб кетишни назорат қилувчи бошқарма шунчаки эрмак учун тузилмаган бўлса керак?

— Албатта, халқимизда «Шаҳар бедарвоза эмас», деган гап бор. Бинобарин, ҳозирги оғир иқтисодий шароитда халқимизнинг оғзидаги луқмасини олдириб ўтириш ҳам инсофдан бўлмаса керак. Бош бошқарманинг асосий мақсади — ички истеъмол бозорини қаттиқ муҳофаза қилиш орқали халқимиз ризқининг қийилишига, нонининг туя бўлишига йўл қўймасликдан иборат. Холбуки, Ўзбекистон яқин-яқин кунларгача ҳам иқтисодий бақувват мамлакатларга соғин сигир бўлиб келган. Чунки хом ашёни сувдек текинга бериб катта ютқазардик. Ана шу хом ашёдан тайёрланган саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материалларининг катта бир қисми эса турли йўллар билан яна ўзимизга қиммат нархда қайтиб келар эди. Энди-чи, айрим юлғичлар, ташмачилар, олибсотарлар, ўғрилар, очофатлар «иштаҳаси»ни бўғиб қўядиган идора вужудга келди.

— Бошқармангиз ташкил этилгач, одамлар орасида турли миш-мишлар тарқалди. Биласиз, эл оғзига элак тутиб бўлмайди. «Ҳа, нима дейсан, божхона очилибди-ю, унда яна милиция ходимлари ишлаётганмиш, эски ҳаммом, эски тос-да!» деяётганлар ҳам бор. Айтинг-чи, бу қанчалик ҳақиқатга яқин?

— Тўғри, шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди. Юзаки қараганда, биз бажараётган ишлар бир мунча божхона фаолиятига ўхшаб кетади. Аслида бундай эмас, чунки биз бож олмаймиз. Кадрлар масаласига келсак, улар асосан ички ишлар органларининг энг яхши, иқтидорли, лаёқатли вакилларидан саралаб олинган.

— Маълумки, ҳар қандай давлат назорати ҳам маълум қонун-қоидаларга асосланиб иш юритади...

— Саволингизга тушундим. Қўлимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган рўйхат бор. Унда нома-ном кўрсатилган хом ашё, материаллар қишлоқ, хўжалик маҳсулотлари, моддий-техника бойликлари ва бошқа бир қатор товарларни Республикамиз ҳудудидан четга ноқонуний равишда олиб кетилишига йўл қўймаслик таъкидланган. Биз шунга асосланиб иш юритяпмиз.

Шу мақсадда Ўзбекистондан ташқарига юк ташийдиган автотранспорт, темир йўл тизилмалари, ҳаво ва сув кемаларини текширувдан ўтказишни, ҳужжатларни расмий ёки норасмий эканлигини назорат қилиб борамиз.

— Кечирасиз, назаримда фақат бу рўйхат ҳуқуқий жиҳатдан сизларнинг фаолиятингизда камлик қилса керак?

— Тўғри, бу ерда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қонунлари, Ўзбекистон Олий Кенгаши қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари ҳамда Давлат назорати ҳақидаги Низом фаолиятимизга асос бўла олади. Биз мазкур қонунларга таянган ҳолда ҳуқуқий иш юритяпмиз.

— Урайимжон ака, сир бўлмаса айтинг-чи, юклар қаерларда текширилади? Бу масалада ДАН (ГАИ) ходимлари сизларга ёрдам берадими?

— Юклар ва уларнинг ҳужжатлари, асосан мустақил республикалар билан чегарадош жойларда, темирйўл шох бекатларида, дарё порт-ларидаги ўз постларимизда текширилади. Ҳозирги пайтда ана шундай постлардан 86 таси ишлаб турибди. Ходимларимиз орасида ДАН, БХСС ва тергов хизмати вакиллари бор. Ходимларимизга катта ваколатлар берилган. Масалан, улар ДАН ходимларидан фарқли ўлароқ ҳолда юкларни текшириш учун барча турдаги транспорт воситаларини тўхтатишлари, фуқаролар ва мансабдор шахслардан четга олиб чиқилиб кетилаётган юкларни қонуний эканини тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилишлари мумкин. Бундан ташқари, улар барча турдаги транспорт воситаларининг юк бўлмалари, контейнерлар, вагонларнинг сургич (пломба)ларини очиш, ноқонуний ташилаётган юкларни ва транспорт воситаларини уч-кеча-кундуз ушлаб туриш ҳуқуқига эга. Пировардида қонун-қоидаларни бузган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган чора-тадбирлар кўрилади.

— Кечирасиз, «Қуруқ қошиқ оғиз йиртар» деган гап бор. Бошқарма вакилларининг фаолиятидан бир-икки мисоллар келтириб ўтсангиз...

— Яқинда Андижондаги темирйўлнинг «Шимолий» бекатида турган учта контейнер ходимларимизда шубҳа уйғотди. Уларни бориб текширишганида 619 минг сўмлик чойшаб буюмлари Тюмендаги ширкатлардан бирига жўнатиш учун тайёрлаб қўйилган экан. Буни қарангки, ҳозирги кунда дўконлар бўм-бўш, товарлар анқонинг уруғи бўлса-ю, нопок шахслар бойлик орттириш мақсадида халқ ризқини қийиб ўтиришса, шу ҳам инсофданми? Ҳаром нарса албатта тешиб чиқар экан. Мана...

Бугун кир ювиш воситалари — порошок кукуни, совунни талонга ҳам топа олмайсиз. Лекин «учарлар» бунинг уддасидан чиқишади, ерининг тагида бўлса ҳам топишади. Масалан, Оҳангарон шох кўчасида «КамАЗ — 53102» маркали 20—49 ФЕМ номерли автомашина текширилганда унинг юкхонасидан 5,2 тонна болалар совуни чиқди. Ҳайдовчи Ҳ. Шамсутдинов 28 минг сўмлик бу молларни Ангрендан Олмаотага элтиб беришни ўз бўйнига олган экан...

Афсуски, бундай мисолларни истаганча келтириш мумкин.

— Урайим Абдуғаниевич, менинг тушунишимча, ҳали янги хизматни кўп жиҳатдан такомиллаштиришга тўғри келса керак. Бас, шундай экан, шоли курмаксиз бўлмаганидек, ходимларингизнинг орасида «чойчақа» олиб, қўйиб юбориш ҳоллари бўлмаслигига, текширув чоғида хато қилмасликларига ишонасизми? Агар ходимларингиз чиқарган қарор тўғри бўлмаса, норози томон қаерга шикоят қила олади?

— Энг аввало ходимларда бурчга садоқат, ҳалоллик, она юртга муҳаббат бўлиши керак. У ҳар қандай вазиятда ҳам ўз эътиқодини ўз манфаатидан, аниқроғи нафсидан юқори қўйиши шарт. Иши миз масаласига келсак, ҳали уни кўп жиҳатдан такомиллаштиришга тўғри келади, албатта. Ходимларимизнинг хато қилишига келсак. авваламбор камчиликларга йўл қўймасликлари зарур. Табиийки, қабул қилинган қароримиздан норозилик чиқмай қўймайди. Чиққан ҳолда норози томонлар юқори ташкилотларга ёки суд идораларига шикоят қилишлари мумкин.

Қисқаси, мен Ўзбекистонимизнинг катта бир хазинага ўхшатсам, Давлат назорати Бош бошқармаси ходимларини эса ана шу хазинанинг соқчиларига қиёс қилгим келади. Улар оғир ва шарафли, лекин мустақил Ўзбекистонда яшовчи халқларнинг фаровонлигини оширишдек савобли ишга қўл урдилар.

— Бу беҳаловат ишларда «хазина соқчилари»га муваффақиятлар тилаймиз, зеро дунёда эл ризқини бутун қилишдек савобли иш йўқ.

Суҳбатдош «Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири Тўхтамурод ТОШЕВ.

СУРАТЛАРДА: Давлат назорати Бош бошқармаси ходимлари фаолиятидан лавҳалар.

Х. ШОДИЕВ олган суратлар.



• *Ажаб савдолар*

ОТАНГГА БОР, ОНАНГГА БОР

Дўстбек Тошназаров Қўшработ районидаги ота қишлоғи Балиқчида яшайди, Улуғ Ватан урушининг иккинчи тоифа ногирони Отахон 200 километр йўл босиб Самарқандга — рўзномамизнинг вилоятдаги қабулхонасига ташриф буюрган.

— Нимасини айтасиз, ўғлим, 1988 йилнинг баҳоридан бери Самарқандда мен кирмаган прокуратура ва мелисахона қолмади. Бири иккинчисига солади, иккинчиси учинчисига...

Отахоннинг қўлидаги ҳужжатларга назар ташлайман. Қўшработ, Иштихон, Нурота район прокуратураси ҳамда ички ишлар бўлимларига элликдан зиёд шикоят ва ариза, телеграммалар юборилган. Қизиғи шундаки, ҳаммасининг жавоби бир хил: «Сизнинг шикоятингиз... томонидан ўрганилянти».

Келинг, гапнинг индаллосини айта қолай: 1988 йилнинг 9 апрелида муаллима Саноабар Бойбўриева Дўстбек аканинг қизи Гулчеҳрани уриб, тан жароҳати етказган. Ориятли қўзғаган ота ҳамқишлоғи устидан арз қилган. Иш эса судралгандан судралаверган. Оқибатда иккала оила ўртасида ҳар хил гап-сўзлар, тўқнашувлар, миш-мишлар пайдо бўлган.

Агар ўшанда милиция лейтенанти Рашид Қаҳҳоров ва терговчи Равшан Мусақулов воқеани атрофлича ўрганишганда, тарафларнинг арз-доднни эътибор билан тинглашганда иш бунчалик чўзилмас эди. Шу туфайли Иштихон район халқ суди мазкур ишни қайта терговга жўнатди. Бу борада суд раиси Қ. Сайдиев билан Д. Тошназаров ўртасида даҳанаки жанг ҳам бўлди. С. Бойбўриеванинг жиноий ишини судда кўришда қонун талаблари бузилишига йўл қўйилганлиги ҳамда Д. Тошназаровга нисбатан қўпол лик қилганлиги учун Қ. Сайдиев 1988 йилнинг 17 октябрида вилоят адлия бошқармаси томонидан қаттиқ огоҳлантирилган.

— Болам, битта огоҳлантириш қози учун нима деган гап. Тўрт йилдан бери қонун ҳимоячиларидан эшитган ҳақоратлар, дашномлар, шичинглар қайси бир чорага тўғри келаркин? Мен соғлигимни, вақтимни, энг муҳими, қонунчиларга бўлган ишончимни йўқотдим. Улар эса у вазифадан бу вазифага ўтиб юришибди.

Дўстбек аканинг қуйинганича бор. Суд ажрим чиқаргандан кейин жиноий иш Иштихон район ички ишлар бўлими терговчиси Насим Қўшбоқовнинг столи тортмасидан 1988 йил 21 сентябрдан 1989 йил 16 октябрга қадар турди. Кейин эса бу иш Қўшработ район прокуратураси ва ички ишлар бўлимида қўлдан-қўлга ўтди. Терговчи А. Чинниев қайта терговни чала ўтказиб, ишни ёпиб юборди. Ҳатто, бу ҳақда жабрланувчиларни хабардор этмади. Яна ёза ёз, яна оворагарчилик!

Ниҳоят, мазкур иш 1991 йилнинг 12 апрелида Нурота район ички ишлар бўлимига, аниқроғи терговчи А. Жаниев қўлига келиб тушди. Бироқ у ҳам суд ажримида кўрсатилган масалаларни ўрганмади. Ҳайронмиз, беш ой давомида наҳотки масалага аниқлик киритиш мумкин эмас эди?! А. Жаниев ишни ёпиб, район прокуратурасига ўтказди. Яқинда Нурота район прокурори ёрдамчиси Н. Сафаров имзоси билан Д. Тошназаровга хат келди. Унда айтилишича, жиноят иши назорат тартибида ўрганилган. А. Жаниевнинг қарори бекор қилинган ва қўшимча тергов ўтказиш район ички ишлар бўлимининг терговчиси А. Азимовга топширилган.

— Отахон, мана, ахир, ишни қайтадан юргазишиптику...

— Мухбир ука, мен уларга ишонмай қўйдим. Сизга умид билан келганман. Агар рўзнома аралашмаса натижа чиқмайди.

Очиғи, Дўстбек аканинг ҳовирини туширишга кўп уриндик, кўнглини бироз кўтардик. Гапимизга ишонтиргандай бўлдик. Бу масалада Нурота район ҳуқуқ-тартибот ходимлари билан маслаҳатлашишга ваъда бердик. Тўғри, қўшнилар жанжалида ким ҳақу ким ноҳақлиги юзасидан хулоса чиқариш бизнинг вазифамизга кирмайди. Аммо ишни бу қадар чўзиш ҳам, инсофдан эмасда! Эҳтимол, бу safar ишга одилона нуқта қўйилар...

Ф. ТОШЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Тошкент шаҳридаги 21-болалар боғчаси жамоаси ёш авлодни миллий руҳда тарбиялашга алоҳида эътибор беради. Айниқса, тарбияланувчилар халқимизнинг қадимий урф-одатлари, катталарга ҳурмат, саломлашиш одоби каби шарқона фазилатларни жуда катта иштиёқ билан ўзлаштиряпти.

СУРАТДА: тарбиячи Маъсуда Тошмуҳаммедова навбатдаги тарбиявий иш устида.

Р. АЛЬБЕКОВ сурати.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ИЖАРАДАГИ «ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ» ИП-ГАЗЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Тошкент шаҳрида яшовчиларни Қора-Қамиш мавзесида жойлашган

3-ТЎҚУВ ФАБРИКАСИГА

қуйидаги касблар бўйича

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Тўқув ишлаб чиқаришининг уста ёрдамчилари (ойлик маош 2000—2500 сўм);
Тўқувчилар (ойлик маош 1500—2000 сўм);
қайта ўраш, оҳорлаш ва тугун тугиш машиналарининг операторлари (ойлик маош 1000—1200 сўм);
электр монтёрлари, чилангарлар, сантехниклар (ойлик маош 500—800 сўм).

Манзилгоҳимиз: С. Раҳимов ноҳияси, Қора-Қамиш даҳасининг 1—4-мавзеси, Наби Ҳасанов кўчаси, 19-уй (82-автобус, 27-трамвай, 7, 10-троллейбуслар билан бориш мумкин. «Пойабзал дўкони» бекати).

ИЖАРАДАГИ «ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ» ИП-ГАЗЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Тошкент шаҳрида яшовчиларни Фарҳод бозори яқинида жойлашган

4-ЙИГИРУВ-ТЎҚУВ ФАБРИКАСИГА

қуйидаги касблар бўйича

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

йигирув ва тўқув ишлаб чиқаришининг уста ёрдамчилари (ойлик маош 1500—3000 сўм);
тўқувчилар (ойлик маош 1200—2000 сўм);
йигирувчилар (ойлик маош 1000—1800 сўм);
ўқловчилар (ойлик маош 800—1000 сўм).

Манзилгоҳимиз: Фарҳод кўчаси, 31«а» уй (20, 33, 70, 79, 152, 182-автобуслар, 12, 13-троллейбуслар, 17-трамвай билан бориш мумкин. «Свердловск уйлари» бекати).

ИЖАРАДАГИ «ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ» ИП-ГАЗЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

йигирувчи, тўқувчи, раклист, пардозловчиларни; қайта ўраш, пиликлаш, пишитиш машиналарининг операторларини ҳамда токарь, фрезерчи, назоратўлчов асбоблари ва автоматика созловчиларини, шунингдек мана шу нуфузли касбларни эгаллашни хоҳловчиларни

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ўқиш муддати — 3—6 ой. Ўқиш даврида ойлик маош 300—350 сўм.
Ўқиш тугаллангандан сўнг ишбай ҳақ тўланади. Ойлик маош 1000—2000 сўм.

Бирлашма бошқа шаҳардан келганларни ётоқхона билан таъминлайди ва уларни шаҳарга қайд қилади. Тўқимачиларнинг болалар боғчаларига бўлган талаби тўла қондирилади. Ўзининг тиббиёт-санитария қисми, поликлиникаси, сиҳатгоҳи, Тошкент денгизи бўйида оромгоҳи, кашшофлар оромгоҳи, «Тўқимачи» спорт мажмуи ва маданият Саройи ҳамда ёрдамчи хўжалигига эга.

Бўлинмаларда ошхоналар, мева-сабзавот ва озиқ-овқат дўконлари, буғ ҳаммомлари, пардоз-андоз хоналари ва сартарошхоналар билан жиҳозланган маиший мажмуалар ишчилар хизматида бўлади.

Бирлашмада тақчил саноат ва озиқ-овқат моллари билан савдо қилинади.

Шахсий уй-жой ва боғ-участкаси қуриш учун ер олишга қулай имкониятлар мавжуд.

Агар сиз меҳнатингизга яраша иш ҳақига, қайд этилган қулай маиший имкониятларга эга бўлишни хоҳласангиз, сизни Қушбеги кўчаси, 6-уйда жойлашган расмийлаштириш бўлимида кутамиз (32, 33, 34, 45, 69, 79, 182-автобуслар, 2, 6, 13, 16-троллейбуслар, 7, 9, 11, 24, 28-трамвайлар билан бориш мумкин. «Тўқимачилар комбинати» бекати).

Телефонлар: 53-20-16, 53-97-09, 53-18-72.

ИЖАРАДАГИ «ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ» ИП-ГАЗЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ «САРБОН» ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

ТОШКЕНТ АГРЕГАТ ЗАВОДИ

Болгарияда ишлаб чиқарилган уч тонналик юк ортгичлар ва электркараларни

СОТИБ ОЛАДИ

Телефонлар: 48-16-23, 48-15-62.

Тошкент агрегат заводи. «СОЮЗРЕКЛАМА» акционерлик жамиятининг «САРБОН» Ўзбекистон реклама агентлиги.

●

«АГРОСПЕЦСТРОЙ» ЖАМОА КОРХОНАСИ

электр техника лабораториясини (ЭТЛ-10)

ИЖАРАГА БЕРАДИ

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700005, Тошкент шаҳри, Қуйбишев узун кўчаси, 35-уй.

Телефонлар: 91-44-46, 91-03-25.

Ўзбекистон Республикаси Телекўрсатув ва радиоэшитириш Давлат қўмитаси жамоаси жумҳурият радиосининг Сурхондарё вилояти бўйича ўз мухбири

Худойберди ЭШОНҚУЛОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси бошқаруви, Ўзбекистон Мусиқа жамғармаси ҳамда Мусиқа тарғибот бюроси жамоалари Совет Иттифоқи қаҳрамони, Ўзбекистон халқ рассоми Самиг Абдуллаевга рафиқаси ва санъатшунослик номзоди, мусиқашунос Р. С. Абдуллаевга онаси

Розияхон АБДУЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТЎХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб,) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

●Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 6481

№ 242

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ●Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 01.00 Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.